2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 77 (1403), 2025 йил 16 апрель, чоршанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

# ИСЛОҲОТЛАРИМИЗНИНГ ЭНГ КАТТА НАТИЖАСИ — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН НАФАСИ ҲАР БИР МАҲАЛЛАГА КИРИБ БОРАЁТГАНИНИ АНДИЖОН МИСОЛИДА КЎРИБ ТУРИБМИЗ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудлар ривожи, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида 15 апрель куни Андижон вилоятига келди.**



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ҳудуддаги ўзгаришлар "ҳаво дарвозаси"даноқ кўзга ташланади. Мамлакатимизда транспорт тизимини ривожлантириш борасидаги ишлар доирасида Андижон халқаро аэропорти ҳам модернизация қилинмоқда.

Ташриф чоғида давлатимиз раҳбарига шу ҳақда ахборот берилди.

Бу аэропорт 1978 йилда қурилган бўлиб, ҳозирги талабларга мос келмай қолган эди. Учиш-қўниш йўлагининг юк кўтариш қобилияти пастлиги, замонавий ёритиш тизимининг йўқлиги сабабли қатновларни қабул қилиш имкониятлари чекланганди.

Бугунги кунда реконструкция ишларининг биринчи босқичи битказилди. Узунлиги 3 минг 300 метр, кенглиги 60 метр бўлган янги учиш-қўниш йўлаги, юриш йўлаги ва самолётлар тўхташ жойи қурилди. Дренаж тизими янгиланиб, ер ости суви қочирилди. Шунингдек, бу ерда иккинчи юриш йўлаги қурилиши давом эттирилиб, IKAO CAT-II тоифасидаги радар, метеорология ва ёритиш ускуналарини ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

Натижада Boeing, Airbus русумидаги йирик самолётларни ноқулай об-ҳаво шароити ва тунги вақтларда ҳам қабул қилиш мумкин бўлади. Бу кунлик парвозлар сонини 10 баробаргача ошириш имконини беради.

Энди, иккинчи босқичда йўловчи терминалини янгидан қуриш кўзда тутилган. Бу орқали йўловчиларга хизмат кўрсатиш қуввати соатига аввалги 300 тадан 1000 тага, парвозлар сони йилига 584 тадан 3 минг 700 тага ортади. Бу Андижон шаҳри ва Фарғона водийсига қатновлар сонини кўпайтиришга хизмат қилади.

Фаолиятини қайта бошлаган мазкур аэропортда ҳозирда Тошкент — Андижон — Тошкент йўналиши бўйича парвозлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз бу ерда самарали бошқарувни йўлга қўйиш, хизматларни арзон қилиб, маҳаллий ва халқаро парвозларни кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Умуман, мамлакатимизда аэропортларни модернизация қилиш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган йилларда Самарқанд, Термиз, Урганч, Шаҳрисабз, Мўйноқ, Қўқон ва Зомин аэропортлари янгиланди. Яна бир қатор вилоятларда модернизация жараёнлари давом этмоқда.

Давлатимиз раҳбари ўтган йилнинг февраль ойида Андижонга ташрифи чоғида кўплаб истиқболли лойиҳалар билан танишиб, вилоятда олиб борилаётган қурилиш, бунёдкорлик ишлари кўламини кенгайтириш, саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини жадал ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитлари яратиш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш юзасидан тегишли вазифаларни белгилаб берган эди.

Мазкур топшириқлар ижросини таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Ўтган йили вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2023 йилга нисбатан сезиларли даражада ўсди. Аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 26,4 миллион сўмни ташкил қилди.

Президент ташрифининг иккинчи манзили "WBM Romitex" кластерининг Андижон шаҳрида қурилган янги корхонаси бўлди.

"WBM Fabrics" номли ушбу корхона қайта ишлаш занжирининг навбатдаги босқичи. Умумий қиймати 50 миллион долларлик инвестиция лойиҳаси доирасида замонавий саноат иншооти қурилиб, Италия ва Германиядан юқори технологик ускуналар келтириб ўрнатилди. Матони бўяш ва гул солиш йўлга қўйилди. Корхона йилига 24 минг тонна шундай харидоргир маҳсулот тайёрлаш қувватига эга. Лойиҳа доирасида 600 та доимий иш ўрни яратилди.

Яна бир эътиборли томони, мажмуада Италиядан келтирилган замонавий сув тозалаш иншооти барпо этилган. Унда бўёқ цехидан чиққан техник сув тозаланиб, қайта фойдаланишга йўналтирилади. Бу тежамкорлик ва экологик барқарорликни таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Давлатимиз раҳбари корхонадаги иш жараёнини кўздан кечирди, мутахассислар билан мулоқот қилди. Ишлаб чиқариш майдонларидан самарали фойдаланиш, энергия тежамкорлик орқали таннархни камайтириш, ишчиларнинг касбий малакасини ошириш масалалари тўғрисида сўз юритилди.

Қайд этиш жоиз, корхона фаолияти ташқи бозорга ихтисослашган, йиллик экспорт ҳажми 55 миллион долларни ташкил этади.

Андижон вилоятида тўқимачилик саноати жадал ривожланмоқда. Ҳудудда етиштирилган пахтани замонавий кластер тизимида чуқур қайта ишлаш кенгайиб бораётир. Вилоятнинг республика тўқимачилик саноатидаги улуши 16,5 фоиз. 2024 йилда Андижонда 20 триллион сўмлик тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, 488 миллион долларлик экспорт қилинган. Бу вилоят умумий экспортининг 42 фоизини ташкил этади.

Мазкур топшириқлар ижросини таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. 2024 йил давомида инвестиция лойиҳалари доирасида уч юз саксонта лойиҳа амалга оширилди. Бунда тўқимачилик, саноат, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги соҳалари салмоқли ўрин эгаллади. Мазкур лойиҳаларни ишга тушириш ҳисобига ўттиз икки мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Андижон вилоятида 2025 йилда эришилиши режалаштирилган асосий мақсадларга оид тақдимот билан танишди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида инвестиция лойиҳалари самарасида ҳамда тижорат банклари иштирокида 77 минг нафар фуқаро иш билан таъминланган.

Умуман, 2025 йилда 5 миллиард 700 миллион долларлик 166 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилади. Бу орқали 31 мингта иш ўрни очилади. 31 турдаги янги маҳсулот олиш йўлга қўйилиб, 1,5 миллиард долларлик экспорт имконияти яратилади. Корхоналарни барқарор энергия билан таъминлаш учун 65 мегаватт янги қувватлар барпо этилади.

*Давоми 2-бетда*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА ЯНГИ БАРПО ЭТИЛГАН БОБУР ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар, муҳтарам Андижон аҳли!

Аввало, сиз, азизлар билан юртимизда кўклам нафаси кезиб юрган мана шундай файзли кунларда дийдор кўришиб турганимдан ғоят мамнунман. Барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромимни билдираман.

Ҳаммангизга маълумки, инсон қадрини улуғлаш, халқимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, шу асосда одамларни ҳаётдан рози қилиш — Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотларнинг бош мақсадидир.

Бугун жонажон Ватанимизнинг барча вилоятлари, қишлоқ ва овулларида ана шу улуғ ва эзгу мақсад қандай амалий натижалар бераётганини кўриб, албатта барчамиз чексиз қувонамиз. Бунинг амалий тасдиғини гўзал ва бетакрор Андижон заминида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Вилоятда саноат, тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги, боғу роғлар барпо этиш, кўча ва маҳаллаларни обод қилиш, аҳоли учун муносиб меҳнат ва яшаш шароитлари яратиш бўйича кўплаб таҳсинга лойиқ ишлар қилинмоқда.

Қани энди, имкони бўлса-ю, бу сўлим диёрга тез-тез келиб, сиз, азизлар билан чин дилдан мириқиб суҳбатлашсам. Чунки сир эмас, мен доимо сизлар каби мард ва танти, қалби — Аллоҳда, қўли — ишда бўлган инсонлар билан учрашиб, мулоқот қилиб, ўзим учун беқиёс маънавий куч оламан, руҳланаман.

Ишонч билан айтиш мумкинки, Андижон заминида Янги Ўзбекистон ғояси, Янги Ўзбекистон нафаси ҳар бир маҳалла, ҳар бир хонадонга кириб бормоқда, халқимизни баланд-баланд марраларга ундамоқда.

Бу — ислоҳотларимизнинг биз кутган, бутун халқимиз кутган энг катта, энг муҳим натижаси, десак, тўғри бўлади.

Қадрли дўстлар!

Фахр билан айта оламизки, Андижон бутун мамлакатимиз, Марказий Осиё минтақасининг замонавий, йирик шаҳарларидан бири, водий гавҳаридир. Бу кўҳна заминдан кўплаб олим ва мутафаккирлар, машҳур шоир ва адиблар, давлат ва жамоат арбоблари, маданият ва санъат намояндалари етишиб чиққан.

Андижон — буюк мутафаккир, бунёдкор шоҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобур бобомиз таваллуд топган табаррук диёр экани барчамизга ғурур-ифтихор бағишлайди.

Бугунги кунда Андижонда барча соҳа ва тармоқлар жадал ривожланмоқда. Айни пайтда бу ерда жуда катта салоҳият мавжуд. Ана шундай улкан имкониятларимизни ишга солиш, ҳудудни янада тараққий эттириш мақсадида сизлар билан бундан икки йил аввал Янги Андижон шаҳри ва "Янги Ўзбекистон" боғини барпо этиш ҳақида келишиб олган эдик.

Ўтган давр мобайнида ушбу улкан лойиҳани амалга ошириш борасида катта ишлар бажарилганига барчангиз гувоҳсиз. Нафақат гувоҳсиз, айни пайтда уларда бевосита иштирок этмоқдасиз. Қисқа вақт ичида ҳавас қилса арзийдиган мана шу гўзал шаҳарча билан бирга "Янги Ўзбекистон" боғи ҳам қад кўтарди.

*Давоми 2-бетда*

# УЛКАН ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИ

## ЮРТИМИЗНИ САЙЁҲЛИК БЎЙИЧА ЕТАКЧИ ДАВЛАТГА АЙЛАНТИРАДИ

**Бугунги кунга келиб туризм жаҳон иқтисодиётининг энг муҳим тармоқларидан бирига, ҳаттоки айрим давлатлар иқтисодий ўзагига айланди. Дунё туризми таҳлили далолат берадики, барқарор тараққиётни кўзлаган ҳар қандай давлат ривожида туризм бевосита ёки билвосита катта аҳамиятга эга.**

Юртимизда ҳам бу соҳани ривожлантириш учун катта салоҳият мавжуд. Сўнгги йилларда ана шу имкониятдан оқилона фойдаланилиши натижасида ҳудудларда туризм ва сервис инфратузилмаси тез ривожланяпти. Хусусан, ўтган 8 йилда соҳага 6 миллиард 500 миллион доллар сармоя киритилиб, 130 мингта меҳмон ўрни очилди. Бугунги кунда 20 та туризм қишлоғи фаолият юритяпти. Паркент туманининг "Олтин бел" чўққисида халқаро даражадаги янги тоғ-чанғи зонаси барпо этиляпти.

Шу йил 9 апрель куни Президентимиз раислигида ҳудудларнинг туризм салоҳиятини ошириш, хорижий инвестиция лойиҳаларини жадаллаштириш масалалари муҳокамаси бўйича бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида ушбу соҳадаги ишлар таҳлил этилиб, истиқболдаги вазифалар белгилаб берилди.

Қайд этилганидек, сўнгги йилларда туризм экспорти 1,6 карра ошиб, 3,5 миллиард долларга етди. Соҳада 2 мингдан ортиқ янги тадбиркор иш бошлади. Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида сайёҳларни жалб этиш бўйича 10 миллионлик маррадан ўтилди.

**"Бу билан тўхтаб қолмаймиз. Бой тарихий-маданий меросимиз, гўзал ва бетакрор табиатимиз сайёҳларни 2-3 карра оширишга етади",** деди Президентимиз.

*Давоми 3-бетда*

Муносабат



Нуқтаи назар

# ГЛОБАЛ ИШТИРОК – КЕНГ ИМКОНИЯТЛАРГА ЙЎЛ ОЧАДИ

**Самарқанд — қадимдан катта йўллар туташган, маданият ва савдо карвонлари чорраҳаси бўлиб келган замин. Шу кунларда у яна бир бор жаҳон саҳнасида муҳим манзил сифатида тилга олинмоқда. Аммо бу гал у фақат ўзининг сервиқор бинолари ёки тарихий мероси билан эмас, балки минтақавий ва глобал сиёсатнинг йирик йўналишларини белгилаб берувчи майдон қиёфасида тилга тушди. Жорий йил 4 апрель куни айнан шу кўҳна кент — шонли Самарқанд шаҳрида "Марказий Осиё — Европа Иттифоқи" биринчи саммити бўлиб ўтди. Бу нафақат минтақа тараққиёти йўлидаги муҳим ҳодиса, балки янги дунё тартибининг шаклланишига ҳам таъсир этувчи воқеликдир.**

Асосий муаллифи давлатимиз раҳбари бўлган бу ташаббус шунчаки сиёсий тадбир эмас, балки юксак стратегик тафаккур ва халқаро ишончга асосланган фидойилик намунаси ҳамдир. Президентимиз ўз нутқида саммитни Самарқандда ўтказиш ташаббусини қўллаб-қувватлашгани учун қатнашчиларга миннатдорлик билдирар экан, асрлар давомида Буюк ипак йўлининг асосий чорраҳасида жойлашган ушбу шонли шаҳар цивилизациялар мулоқоти ҳамда Шарқ ва Ғарб ўртасидаги дипломатия, савдо ва маданий алмашувларнинг муҳим маркази бўлганини алоҳида таъкидлади.

*Давоми 4-бетда*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА ЯНГИ БАРПО ЭТИЛГАН БОБУР ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

Сиз, азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни ана шу буюк меҳнат ғалабаси билан самимий табриклайман. Бундай файзли, муаззам маскан барчамизга, аввало, меҳнаткаш ва олижаноб Андижон аҳлига муборак бўлсин, буюрсин!

Халқимизнинг бунёдкорлик анъаналарини муносиб давом эттириб келаётган, фидойилик ва ташаббускорлик фазилатларини амалий ишлари билан намоён этаётган Андижон аҳлига, бу ишларга ҳисса қўшган барча инсонларга чин юракдан ташаккур билдираман.

Шу ўринда кўпдан буён ўйлаб юрган бир ташаббусни сизлар билан маслаҳат қилмоқчиман.

Ўзининг бетакрор илмий ва ижодий мероси билан миллатимиз, халқимизни бутун дунёга тараннум этган буюк аждодимиз — Заҳириддин Муҳаммад Бобур хотирасини абадийлаштириш мақсадида Янги Андижон шаҳарчасига — Бобур шаҳри деб ном берсак, нима дейсизлар?

Қўллаб-қувватлаганингиз учун раҳмат. Ишончим комил, бу ташаббус ҳар томонлама халқимизнинг кўнглидаги иш бўлади.

Нега деганда, ҳазрати Бобур — жаҳон тарихида камдан-кам учрайдиган шундай беназир, улуғ зотки, унинг шарафига нафақат кўча ва майдонлар, боғу роғлар, балки алоҳида шаҳар бунёд этсак, албатта арзийди.

Нега деганда, Бобур Мирзо — Темурийлар Ренессансининг муносиб давомчиси, илм-фан, маданият, санъат ва адабиёт, истеъдод ҳомийси бўлган буюк шахсдир.

Унинг ёшлик пайтларидан юртда тинчлик ва адолат ўрнатиш учун олиб борган курашлари, бу йўлда кўрсатган мардлик ва жасорати фидойилик ва ватанпарварлик мактабидир.

Ҳеч шубҳасиз, қомусий билим ва тафаккур эгаси бўлган бу мумтоз аждодимизнинг биргина "Бобурнома" асари учун ҳам унинг шарафига мана шундай гўзал шаҳарчани бунёд этсак, арзийди.

Чунки такрор айтишга тўғри келади, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби оламга машҳур аждодларимиз борлигини, улар Ўзбекистон фарзанди эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Ўзлигимизни англаб, шонли тарихимизни ёш авлодимизга, болаларимизга тушунтирсак, илм-маърифатни ривожлантирсак, улуғ боболаримизга муносиб бўлиб яшасак, Янги Ўзбекистонни ҳам, Учинчи Ренессансни ҳам албатта қурамиз!

Азиз дўстлар!

Заҳириддин Муҳаммад Бобур бобомиз борйўғи 47 йил умр кечирди. Шу қисқа вақт давомида у инсон ақли бовар этмайдиган қандай буюк ишларни амалга оширгани, қандай меъморий обидалар, боғу роғлар барпо этиб, ўзидан ўчмас ном қолдириб кетгани ҳам барчамиз учун юксак ўрнак намунасидир.

Шу маънода, ҳазрати Бобурнинг шону шуҳрати ва қадр-қимматини жойига қўйиш, унинг бебаҳо меросини халқимизга янада кенгроқ таништириш, бутун дунёга тарғиб этиш ҳурматли олим ва адибларимизнинг, ҳаммамизнинг муҳим бурчимиз ҳисобланади.

Вилоят зиёлилари, билимдон ёшларимиз, бутун Андижон аҳли бу борада янада фаоллик кўрсатадилар, деб ишонаман.

Нега деганда, андижонликлар ўзининг бу улуғ фарзанди хотирасини ўша оғир, мустабид тузум даврларида ҳам қалбида, хотирасида эъзозлаб-ардоқлаб келганини яхши биламиз. Давлатимизнинг яқин ёрдами билан ҳурматли оқсоқолимиз Зокиржон ака Машрабов каби ўнлаб маърифатпарвар инсонлар, Бобур халқаро фонди ва илмий экспедицияси қандай катта ишларни амалга ошириб келаётганини юксак қадрлаймиз.

Бу борада бир масалага алоҳида эътибор қаратишимиз зарур: Бобур Мирзонинг бебаҳо мероси — бу бир уммон. Уммоннинг эса ҳеч қачон тубига етиб бўлмайди.

Шунинг учун мамлакатимизда, вилоятда бобуршунослик соҳасида олиб борилаётган ишлар тўхтаб қолмаслиги, аксинча, янги авлод, азму шижоатли ёшларимиз томонидан давом эттирилиши, янада юксак босқичга кўтарилиши лозим. Бу ишда мен сизларга ҳар томонлама ёрдам беришга доимо тайёрман.

Азиз дўстлар!

Мамлакатимизда амалга ошираётган барча ўзгариш ва ислоҳотларимиз Бобур Мирзо каби улуғ аждодларимизнинг орзу ва мақсадлари, ҳаётий идеаллари, улуғвор ишларига ҳамоҳанг, десак, янглишмаган бўламиз.

Бугун сизлар билан биргаликда Бобур бобомиз туғилиб ўсган табаррук заминда ул зотнинг дилида қолган армонларини рўёбга чиқариш йўлида яна бир тарихий воқеанинг иштирокчиси бўлмоқдамиз, десак, айни ҳақиқат бўлади.

Бобур шаҳрини барчамиз орзу қилаётган энг гўзал, энг замонавий шаҳарга айлантириш бугундан бошлаб реал вазифа қилиб кун тартибига қўйилади. Бу шаҳардан ҳақиқий бобурийлар етишиб чиқиши учун бобомиз номи билан аталадиган ихтисослашган боғча ва мактаб, университет, музей, кутубхона ва IT паркдан иборат йирик таълим кластери барпо этилади. Олийгоҳ таркибида энг юқори талабларга жавоб берадиган спорт комплекси ҳам қурилади.

Бир сўз билан айтганда, барчамиз бирлашиб, Бобур шаҳрини миллий қадриятларимизни ўзида мужассам этадиган маънавий масканга, таълим ва илм-фан шаҳрига, ёшларимиз учун илҳом ва ибрат, парвоз майдонига, нафақат водий, балки мамлакатимизнинг туризм ва маданият марказига, "яшил инфратузилма" асосида қурилган замонавий "смарт-сити", яъни ақлли шаҳарга айлантирамиз.

Бобур шаҳрининг майдони 4 минг гектар бўлади ва бу ерда 500 минг аҳоли муносиб яшаши ва ишлаши учун барча шароитлар яратилади.

Бу шаҳар, худди буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий номи қўйилган азим шаҳар каби, шонли тарихимиз ва келажагимиз ўртасида маънавий кўприк бўлади, янги тарихимиздан муносиб ўрин олади.

Мана шу боғ ҳудудининг энг баланд нуқтасида Заҳириддин Муҳаммад Бобур бобомизнинг янги, муҳташам ҳайкалини ҳам ўрнатамиз.

Бобур шаҳри миллий маданият ва санъатимиз, ўзбекона меҳмондўстлик, бағрикенглик ва ҳамкорликни акс эттирадиган ўзига хос кўзгу бўлиши зарур.

Ушбу эзгу мақсадларни амалга ошириш учун катта дастур қабул қиламиз, 250 миллион долларлик дастлабки капиталга эга бўлган алоҳида жамғарма ташкил қилинади. Ҳар йили бу жамғармага қўшимча маблағ ажратилади.

Бугунги тадбирда Бош вазир ўринбосарлари, мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳам иштирок этяпти. Уларга алоҳида топшириқ: ушбу мегалойиҳа бир ойдан кечикмай бошланиши шарт.

Ҳурматли Андижон аҳли!

Мана шу замонавий амфитеатр саҳнасида, мана шу гўзал боғда халқимизнинг нодир санъати доимо намойиш этилиб, улуғ шоирларимиз шеърлари янграб турса, айни муддао бўлади.

Бу оқшом ушбу янги маданият масканида атоқли санъаткорлар ва истеъдодли ёш ижрочилар иштирокида бўлиб ўтадиган концерт дастури шу йўлда эзгу анъанани бошлаб беради, десак, тўғри бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, юртимиздаги барча маданият ва санъат соҳаси ходимларини бугунги касб байрами билан бутун халқимиз номидан, ўз номимдан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Барчамиз яхши биламизки, Заҳириддин Муҳаммад Бобур дунёнинг қайси ерида, қайси ўлкасида бўлмасин, бир умр Ватан соғинчи билан яшади. Бугун буюк аждодимизнинг армонлари ушалди, ул зот ўз юртига руҳан қайтиб келди, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Мана шундай улуғ, тарихий кун барчамизга муборак бўлсин!

Сизларга, сизларнинг тимсолингизда Андижон аҳлига тинчлик-омонлик, мустаҳкам соғлиқ, янги ютуқ ва омадлар тилайман.

## ЯНГИ АНДИЖОН БОҒИ

Бир хушбўй ҳаво келмиш
Андижон томонларга,
Янги куй-наво келмиш
Андижон томонларга,
Минг дардга даво келмиш
Андижон томонларга,
Не десам, раво келмиш,
Андижон томонларга,
Гул атридан ҳар дилнинг
Бугун чоғдир димоғи,
Олтин узукка гавҳар —
Янги Андижон боғи.

Соҳибқирон ниҳоли
Бобур деган боғ бўлган,
Унинг ташна кўнглига
"Тузуклар" сабоқ бўлган,
Ватан соғинчи билан
Хаста кўнгли соғ бўлган,
Қай юртларга борса ҳам,
Адолатда шоҳ бўлган,
Орамизда ҳазрати
Бобур ҳам бордай чоғи,
Элим, сенга хушхабар —
Янги Андижон боғи.

Ширали овозлардан
Таралган саслар мангу,
Ошиқ дил муножоти
Булбул нафаслар мангу,
Озод, Эркин туйғулар
Тоза ҳаваслар мангу,
Атлас — умрим, замонам,
Бахмал, атласлар мангу,
Тўйлардан бўшамасин
Элнинг тандир-ўчоғи,
Гавжум бўлсин шом-саҳар
Янги Андижон боғи.

Бу эзгу ғоя — Янги
Ўзбекистон истаги,
Халқ қадрин улуғлаган
Оқил сарбон истаги,
Эътибор, эъзоз топган
Ҳар бир инсон истаги,
Кўк тоқида порлаган
Сўнмас Чўлпон истаги,
Муҳаммад Юсуф деган
Нурли бўстон истаги,
Ёзмоққа шай кўнглимга
Янги достон истаги,
Истиқлол боқий бўлсин,
Гулласин юрт тупроғи,
Сен билан дил мунаввар
Янги Андижон боғи.

**Ғайрат МАЖИД**

# ИСЛОҲОТЛАРИМИЗНИНГ ЭНГ КАТТА НАТИЖАСИ — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН НАФАСИ ҲАР БИР МАҲАЛЛАГА КИРИБ БОРАЁТГАНИНИ АНДИЖОН МИСОЛИДА КЎРИБ ТУРИБМИЗ

Бошланиши 1-бетда

Бу ишларни давом эттириб, йил якунига қадар умумий 305 минг нафар аҳолини даромадли иш билан таъминлаш мақсад қилинган.

Тақдимотда иқтисодиётни диверсификация қилиш, саноатни ривожлантириш, янги технологияларни жорий этиш ва ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. 2025 йилда иқтисодий ўсиш суръати 5,5 фоизга етиши кутилмоқда.

Президент мутасаддиларга лойиҳаларни ўз вақтида бажариб, аҳолини даромадли иш билан таъминлаш, ишсизларни касбга йўналтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Давлатимиз раҳбари Андижон вилоятининг ҳудудий саноат ярмаркасини бориб кўрди.

Бу ерда 110 та корхонанинг 500 га яқин маҳсулоти намойишга қўйилган. Жумладан, автомобилсозлик, машинасозлик, тўқимачилик, электр техникаси, рақамли технологиялар, қурилиш материаллари, озиқ-овқат, гулчилик, асаларичилик, балиқчилик ва бошқа тармоқлардаги самарали лойиҳалар тақдим этилган.

Давлатимиз раҳбари вилоятда ишлаб чиқарилаётган кенг турдаги маҳсулотлар ва илғор ишланмалар билан танишди, уларнинг ташаббускорлари билан суҳбатлашди. Яхши тажрибаларни қўллаб-қувватлаб, юртимиз миқёсида оммалаштириш зарурлигини таъкидлади.

Шу мақсадда ярмаркага Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкентдан масъуллар ва тадбиркорлар таклиф этилган. Улар маҳсулотларни биргаликда ишлаб чиқариш, кооперация ва савдо-сотиқ масалаларида фикр алмашмоқда.

Бугунги кунда Андижон вилоятида 11 мингдан зиёд саноат корхонаси бор. Уларнинг республика саноатидаги улуши 10 фоиздан юқори.

Хусусан, ҳудудда 47 та саноат зонаси ташкил этилган. Уларда 2,3 триллион сўмлик 1000 та лойиҳа амалга оширилган бўлиб, 18 минг киши иш билан таъминланган. Мазкур зоналарда 2024 йилда 1 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, қарийб 31 миллион долларлик экспорт қилинган.

Ҳозирда қиймати 1 миллиард долларлик 288 та инвестиция лойиҳаси амалга ошириш жараёнида.

Жумладан, бу йил 119 та лойиҳа ишга туширилиб, 4 мингдан ортиқ иш ўрни яратилади. Саноат маҳсулотлари экспорти 47 миллион долларга етказилади.

Ўтган йилги ташрифдан сўнг, Олтинкўл туманидан 16 гектар ер ажратилиб, мебелларни кластер усулида ишлаб чиқариш мажмуаси ташкил этилган эди. Бу ерда 100 дан ортиқ устахона, 236 та шоурум ва савдо нуқталари жойлашган.

Андижон мамлакатимизда аҳоли энг зич жойлашган ҳудуд. Ўзбекистоннинг 10 фоиз аҳолиси 1 фоиз ерида яшайди. Шу боис, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2021 йилда янги шаҳар қурилиши бошланган эди. Бу галги ташрифда Президент лойиҳанинг илк натижаларини кўрди.

Ушбу шаҳар Андижон туманидаги адирликда, қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаган 4 минг гектар майдонда барпо этилмоқда. Қурилиш саккиз босқичда режалаштирилган бўлиб, ҳозирда 1 минг 770 та хонадонли 63 та уй фойдаланишга топширилган. Шунингдек, 1 минг 680 ўринли мактаб, 420 ўринли болалар боғчаси, 250 қатновга мўлжалланган поликлиника қурилган. Енгил саноат корхонаси, ипотека маркази ташкил этилган.

Давлатимиз раҳбари ҳудуд бўйлаб юриб, янги мажмуаларни кўздан кечирди.

Тайёр хонадонларнинг кўпчилигига оилалар кўчиб келиб, яшамоқда. Ўйин майдончаларидаги болакайларнинг шодликлари кўнгилларга қувонч, ҳаловат бағишлайди. Бунёдкорлик ишлари жадал давом эттирилиб, бу йил мингдан зиёд хонадонли яна 40 та кўп қаватли уй барпо этилади.

Иншоотлар йўл, электр энергияси, табиий газ, сув, иссиқлик каби зарур тармоқлар билан таъминланган. Ичимлик сув етказиб бериш учун сиғими тўрт минг метр куб бўлган сув сақлаш ва узатиш иншооти ишга туширилди.

19 гектар майдонда "Янги Ўзбекистон" боғи барпо этилиб, ўн минг тупдан ортиқ манзарали дарахт кўчатлари, бута ва гуллар экилди. Амфитеатр, дам олиш жойлари,



> Бобур шаҳри миллий қадриятларимизни мужассам этадиган маънавий масканга, ёшлар учун илҳом ва ибрат, парвоз майдонига, юртимизнинг яна бир туризм ва маданият марказига, замонавий технологиялар қўлланган "ақлли шаҳар"га айлантирилади.

декоратив йўлаклар, кафелар, болалар ўйингоҳи, ёритиш тизимларига эга бўлган боғ Янги Андижоннинг кўрки бўлади.

Бу ердаги "Ватанпарвар боғи" катта рамзий маънога эга. Боғдаги "Ватанга қасамёд" монументи, музей, концерт ва томоша майдонлари меҳмонларда катта таассуротлар қолдиради.

Лойиҳа кўлами кенг. Ҳудуднинг 1 минг 439 гектарида 2 мингта кўп қаватли турар жой қад ростлайди. Шунингдек, кўплаб савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, 1 минг 820 гектарда яшил ҳудудлар ташкил этилади. Қурилишлар битгач, бу ерда 410 минг нафардан зиёд аҳоли яшаши мумкин бўлади.

Шу ерда янги қурилиш ва ободонлаштириш лойиҳалари тақдимот қилинди. Унга кўра, Алишер Навоий номидаги истироҳат боғи таъмирланади. Янги Андижонда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳайкали ўрнатилади. Президент бунда Бобурнинг сиймосини ҳаққоний акс эттириш, атрофини бобурийлар мероси бўйича тематик паркка айлантириш юзасидан ўз фикрларини билдирди.

Давлатимиз раҳбари янги боғда ҳунармандчилик, бадиий ва амалий санъат кўргазмаларини томоша қилди. Андижонда ҳар йили рассомлар фестивалини ўтказиш ташаббусини илгари сурди.

Сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Андижондаги "Янги Ўзбекистон" боғидаги халқ сайлида иштирок этди.

Андижонлик ёшлар билан мулоқотда уларга юксак ишонч билдирилди.

— Давлатимизнинг энг устувор мақсадларидан бири — ёшлар сиёсати. Таълим-тарбия, маҳалла, бандлик, спорт тизимларида қилаётган ишларимиз фарзандларимизнинг манфаатлари учун. Бизнинг ёшларимиз қобилиятли, истеъдодли. Бу истеъдод қачон юзага чиқади? Меҳнат бўлса. Билим олиб, интилган одам ҳеч қачон камбағал бўлмайди, ишини топади. Сиз ҳам ўқиб, изланиб, замонавий касб-ҳунарларни эгалланг. Бахтли бўлиш учун бугун замин яратишингиз керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз Андижонда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари билан ҳам учрашди. Мамлакатимиздаги тинчлик-тотувлик, миллатлараро аҳиллик энг қадрли неъмат экани таъкидланди.

Боғдаги амфитеатрда концерт дастури намойиш этилди. Давлатимиз раҳбари тадбирда нутқ сўзлаб, вилоят аҳлига юксак ҳурматини билдирди.

— Инсон қадрини улуғлаш, халқимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, шу асосда одамларни ҳаётдан рози қилиш — Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотларнинг бош мақсадидир. Бугун Ватанимизнинг барча вилоятлари, қишлоқ ва овулларида ана шу улуғ мақсад қандай амалий натижалар бераётганини кўриб, албатта, барчамиз чексиз қувонамиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бунинг амалий тасдиғини гўзал ва бетакрор Андижон заминида ҳам яққол кўриш мумкин. Вилоятда саноат, тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги, боғу роғлар барпо этиш, кўча ва маҳаллаларни обод қилиш, аҳоли учун муносиб меҳнат ва яшаш шароитлари яратиш бўйича кўп ишлар қилинмоқда.

— Андижон заминида Янги Ўзбекистон ғояси, Янги Ўзбекистон нафаси ҳар бир маҳалла, ҳар бир хонадонга кириб бормоқда, халқимизни баланд-баланд марраларга ундамоқда. Бу — ислоҳотларимизнинг биз кутган, бутун халқимиз кутган энг катта, энг муҳим натижаси, — деди Президент.

Андижон юртимизнинг тарихий шаҳарларидан бири, водий гавҳаридир. Бугунги кунда вилоятда барча соҳа ва тармоқлар жадал ривожланмоқда. Айни пайтда бу ерда жуда катта салоҳият мавжуд. Ана шундай имкониятларни ишга солиш, ҳудудни янада тараққий эттириш мақсадида Янги Андижон шаҳри қурилмоқда. Қисқа вақт ичида бу ерда сўлим "Янги Ўзбекистон" боғи ҳам барпо этилди.

Давлатимиз раҳбари бу ишларга ҳисса қўшган барча инсонларга ташаккур айтди.

Андижон Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган диёр экани билан ҳам машҳур. Шу муносабат билан Шавкат Мирзиёев Янги Андижон шаҳарчасига Бобур шаҳри деб ном бериш ташаббусни илгари сурди. Буни андижонликлар хурсандчилик билан қўллаб-қувватлади.

Бобур Мирзо темурийлар тамаддунининг муносиб давомчиси, илм-фан, маданият, санъат ва адабиёт ҳомийси бўлган буюк шахсдир. У бетакрор илмий ва ижодий мероси билан миллатимиз, халқимизни бутун дунёга тараннум этган. Унинг шарафига алоҳида шаҳар бунёд этилса арзийди. Бу Бобур Мирзонинг дилида қолган армонларини рўёбга чиқариш йўлида яна бир тарихий воқеа бўлиб қолиши таъкидланди.

Шаҳарда ихтисослашган боғча ва мактаб, университет, музей, кутубхона ва IT паркдан иборат йирик таълим кластери барпо этилади. Олийгоҳ таркибида энг юқори талабларга жавоб берадиган спорт мажмуаси ҳам қурилади.

Бобур шаҳри миллий қадриятларимизни мужассам этадиган маънавий масканга, ёшлар учун илҳом ва ибрат, парвоз майдонига, юртимизнинг яна бир туризм ва маданият марказига, замонавий технологиялар қўлланган "ақлли шаҳар"га айлантирилади.

Бу шаҳар, худди буюк шоир ва мутафаккир Навоий номи қўйилган азим шаҳар каби, шонли тарихимиз ва келажагимиз ўртасида маънавий кўприк бўлади, янги тарихимиздан муносиб ўрин олади. Ҳудуддаги боғнинг энг баланд нуқтасида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг янги, муҳташам ҳайкали ўрнатилади.

Бу мақсадларни амалга ошириш учун дастур қабул қилиниб, 250 миллион доллар йўналтирилади.

— Барчамиз биламизки, Заҳириддин Муҳаммад Бобур дунёнинг қаерида, қайси ўлкасида бўлмасин, бир умр Ватан соғинчи билан яшаган. Бугун буюк аждодимизнинг армонлари ушалди, ул зот ўз юртига руҳан қайтиб келди, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз. Мана шундай улуғ, тарихий кун барчамизга муборак бўлсин, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари 15 апрель — Маданият ва санъат ходимлари куни муносабати билан соҳа вакилларини ҳам самимий табриклади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Андижон вилоятига ташрифи давом этмоқда.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Икром АВВАЛБОЕВ,**
**Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,**
**ЎзА мухбирлари**

Муносабат

Хорижлик сайёҳлар сонини оширишда BBC, “Euronews” каби нуфузли платформалар, яна 20 дан ортиқ халқаро кўргазмада туризм кенг тарғибот қилинаётгани ҳам самара бермоқда. Энди бу имкониятлардан фойдаланиб, соҳадаги салоҳиятли бозорлардан сайёҳларни жалб қилиш, тўғридан тўғри авиақатновларни йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берилди.



# УЛКАН ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИ

## ЮРТИМИЗНИ САЙЁҲЛИК БЎЙИЧА ЕТАКЧИ ДАВЛАТГА АЙЛАНТИРАДИ

Бошланиши 1-бетда

Туризмнинг иқтисодиётдаги улушини 7 фоизга, экспортни 10 миллиард долларга етказиш бўйича 2040 йилгача мўлжалланган стратегия ишлаб чиқилаётгани таъкидланди.

Бундай муҳим натижаларга эришишда юртимизда инвесторлар учун қатор имтиёз ва афзалликлар тақдим этилаётгани ўз самарасини бермоқда. Жумладан, 2024 йилда 6,5 триллион сўм инвестиция киритилиб, меҳмонхона жойлари қарийб 24 мингтага, йирик кўнгилочар марказлар 17 тага кўпайди.

Хусусан, Тошкент шаҳрида Германия компанияси инвестицияси ҳисобига “Tashkent City Mall” бренди остида бизнес марказ, замонавий меҳмонхона ва турар жой ҳамда савдо маркази, 60 ўринли “Azhalil stroy” замонавий меҳмонхонаси барпо этилди. Туркиянинг “Calik Energy” компанияси инвестицияси ҳисобига беш юлдузли замонавий меҳмонхона ва бизнес маркази ва бошқа иншоотлар ишга туширилди. Шунингдек, Тошкент, Термиз, Навоий ва Самарқанд туризм марказида қатор меҳмонхоналар фаолият бошлади. Жорий йилда ҳам бу ишлар давом эттирилиб, меҳмонхона ўринлари 25 минг 643 тага, йирик кўнгилочар марказлар 15 тага кўпайиши кутилмоқда.

Хорижлик сайёҳлар сонини оширишда BBC, “Euronews” каби нуфузли платформалар, яна 20 дан ортиқ халқаро кўргазмада туризм кенг тарғибот қилинаётгани ҳам самара бермоқда. Энди бу имкониятлардан фойдаланиб, соҳадаги салоҳиятли бозорлардан сайёҳларни жалб қилиш, тўғридан тўғри авиақатновларни йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берилди. Шу мақсадда миллий туризм ягона платформаси ишлаб чиқилмоқда. Энди унга электрон виза бериш, чипта олиш жараёнлари ҳам уланади. Шунингдек, барча тарихий обидаларга кириш имконини берадиган “ягона туристик карта” жорий қилинади.

— Туризм инфратузилмасини ривожлантириш устувор вазифалардан биридир, — дейди Туризм қўмитаси бошқарма бошлиғи Аброрхўжа Мунавваров. — Бу борада ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари доирасида ҳудудларда туризм иншоотларининг муҳандислик-коммуникация тармоқларини яхшилашга зарур маблағ йўналтирилмоқда. Жумладан, 2024 йилда туризм объектлари атрофидаги ер майдонлари, сув ва йўл инфратузилмаларини ривожлантиришга 422 миллиард сўм йўналтирилди ва кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Жорий йилда ҳам бу жабҳадаги чора-тадбирлар давом эттирилади.

Аслида, қадимий шаҳарларимиздаги тарихий обидалар, зиёратгоҳлар, қолаверса, бой тарих ва маданиятимиз, бетакрор табиатимиз доим сайёҳларни ўзига мафтун этиб, чорлаб келган. Йиғилишда сайёҳларни яна 2-3 карра кўпайтириш мумкинлигига бежиз урғу берилмади. Чунки Ўзбекистон улкан туризм салоҳиятига эга. Лекин бу имкониятлар ишга солинмас, мавжуд камчиликлар бартараф этилмас экан, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Масалан, йиғилишда айрим ҳудудларда йўл ва транспорт ноқулайлиги, кўнгилочар жойлар ва қизиқарли дастурлар етишмаслиги каби камчиликлар айтиб ўтилди. Шу боис, жойлардаги имкониятларни юзага чиқариб, туризм йўналишларини кўпайтириш, сайёҳларга шароитларни кенгайтириш бўйича вазифалар белгиланди.

— Соҳа ривожига қаратилаётган эътибор натижасида ўтган йил мамлакатимизга ташриф буюрган хорижлик сайёҳлар сони 10 миллиондан ошди, — дейди Туризм қўмитаси раиси маслаҳатчиси Феруз Додиев. — Дунё тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, бу яхши натижа ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон туризм бўйича етакчи давлатга айланмоқда, дейишга асосимиз бор. Аммо бу натижа билан қаноатланиш тўғри эмас. Чунки юртимизда бундан ҳам кўп сайёҳларни жалб этиш салоҳияти мавжуд. Бундай имкониятлар эвазига бу йил 15 миллион сайёҳни жалб қилиш ва экспортни 4 миллиард долларга етказиш кўзда тутилмоқда.

Бу натижаларга эришиш нафақат тизимда ишлаётган мутахассислар, балки жойлардаги барча раҳбар ва мутасаддилар зиммасига катта масъулият юклайди. Қайд этилганидек, улар ҳар куни иш вақтининг муайян қисмини тадбиркорларни эшитиш, уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этишга кўмаклашишга йўналтирса, кутилган натижаларга эришиш тезлашади. Зеро, туризм ривожи ҳудудларда долзарб бўлган бандлик, камбағалликни камайтириш, ишсизликни бартараф этиш каби устувор вазифаларни ҳал этишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Сўнгги йилларда ички туризмга эътибор туфайли маҳаллий сайёҳлар сони 23 миллионга етди. 2017 йилда бу рақам 5 миллион эди. Лекин ҳалигача Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабзга бормаган оилалар кўп. Шу боис, ҳар ойнинг битта шанба ва якшанбаси — “Оила ва меҳнат жамоаси билан саёҳатга чиқиш куни” деб эълон қилингани ва ёшлар ўртасидаги мусобақа ғолибларига “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат” йўлланмаси совға қилиниши белгилангани айни муддао бўлди. Шунингдек, ҳар йили ички туризм тарғиботини кенгайтиришга 20 миллиард сўм ажратилади.

Халқимизнинг бой тарихи, асрлар оша яшаб келаётган бетакрор обидалар ва бошқа маданий мерос объектлари сайёҳлик ривожида муҳим ўрин тутади. Ушбу салоҳиятдан оқилона фойдаланиш мақсадида тўрт йилда маданий мерос объектларини реставрация ва консервация қилишга бюджетдан 385 миллиард сўм ажратилди. Шунга қарамай, ҳозир яна 485 та объект таъмирталаб аҳволда.

Йиғилишда Президентимиз бундай обидаларни таъмирлашда бюджетга қараб қолмай, хусусий секторни кенг жалб қилиш лозимлигини таъкидлади. Мутасаддиларга шу йилнинг ўзида 400 та объектни тадбиркорларга ижарага бериш вазифаси топширилди.

Туризм объектларига кунига минглаб одам киргани билан тушумлар рақамлашмагани учун тизим шаффоф эмаслиги қайд этилди. Ваҳоланки, очиқ тизим қилиб, тушумнинг ўзидан таъмирлаш ишларини бажариш мумкин. Шу муносабат билан барча объектларда кириб-чиқишни автоматик ҳисобга оладиган мослама ўрнатиш зарурлиги таъкидланди.

Бу йил маданий мерос объектлари реставрациясига камида 4 миллион доллар грант жалб қилинади.

— Қарийб 13 йилдан буён ушбу соҳада фаолият юритамиз, — дейди Элликқалъа туманидаги “Тупроққалъа тур” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ойбек Жумабоев. — Ўтган йилларда 20 миллиард сўм миқдорида субсидия олиб, фаолиятимизни кенгайтирдик. Чўлнинг қоқ ўртасида марвариддек товланиб турган Ақчакўл бўйида бир қатор инфратузилмаларимиз бор. Жумладан, 100 ўринли ўтов, 80 ўринли хостел, 1000 ўринли амфитеатр, бир қатор виллалар, сузиш ҳавзаси сайёҳлар хизматида. Йигирмага яқин иш ўрни яратганмиз. Ҳозир 120 ўринга мўлжалланган 3 юлдузли меҳмонхона қуряпмиз. Ўтган йили 30 мингга яқин маҳаллий ва хорижлик сайёҳга хизмат кўрсатдик.

Тадбиркор бу йил ҳам катта марраларни кўзламоқда. Хусусан, қурилаётган янги иншоотларни фойдаланишга топшириш орқали ётоқ ўринларини кўпайтириш ва сайёҳлар сонини янада ошириш режалаштирилмоқда. Қолаверса, ички сайёҳларнинг талаб ва эҳтиёжидан келиб чиқиб, юртимизнинг турли ҳудудлари, жумладан, Хива, Бухоро, Самарқандга қатновларни йўлга қўйиш мақсад қилинган. Сайёҳлар учун маданий дастурларни кўпайтириш, халқимизнинг фольклор санъатини кенгроқ намойиш этиш бўйича қизғин тараддуд кўрилмоқда.

Хорижлик сайёҳлар миллий таомларимизни тайёрлаш жараёнида бевосита иштирок этишга ҳам қизиқади. “Тупроққалъа тур” масъулияти чекланган жамияти бу борада меҳмонларга барча шароитларни яратиб берган. Эндиликда сайёҳлар сони кўпайиб борар экан, инфратузилмани ҳам кенгайтириш, хизмат кўрсатиш сифатини узлуксиз ошириб бориш талаб этилади. Бу борада берилаётган эътибор ва кўмак тадбиркорга ўз олдида қўйган режаларини амалга оширишда катта мадад бўлмоқда.

Умуман олганда, видеоселекторда туризм инфратузилмасини яхшилаш, соҳада ишлаётган тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ички туризм тарғиботини кучайтириш ва бошқа йўналишларда кўплаб муҳим ташаббуслар илгари сурилди.

Давлатимиз раҳбари 14 апрель куни ҳам айни йўналиш — “Sea Breeze Uzbekistan” халқаро туризм марказининг мастер-режаси ҳамда туризм ва бунёдкорлик лойиҳалари тақдимоти билан танишар экан, соҳа ривожи билан боғлиқ қатор устувор вазифаларни белгилаб берди.

Эътиборли жиҳати, йиғилиш ва тақдимотда белгилаб берилган вазифаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши туризм соҳаси янада тараққий этишига кенг йўл очиши шубҳасиз.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

---

Кун мавзуси

# МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ МАЁҒИ

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЖОЗИБАДОРЛИГИ ОРТИБ БОРМОҚДА

**Қадимда савдо кемаларини ўз ҳудудига чорлаш учун порт шаҳарлар қирғоқ бўйларида маёқлар бунёд этган. Сабаби бу шаҳарларнинг аҳолиси фаровонлигини, ижтимоий-иқтисодий тараққиётини тижорат кемаларининг қанчалик кўп келиши белгилаб берган. Бугун ҳам худди шундай: давлатларнинг тараққиёт пиллапояларидан илдамлаши, албатта, ушбу мамлакатнинг бошқа давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари кенг қамровли экани ҳамда ижтимоий-иқтисодий соҳаларга ташқи инвестицияларни жалб қилганига боғлиқ.**




**Ташқи инвестиция жалб қилиш масаласида Ўзбекистоннинг чет элдаги вакиллари икки мамлакат ўртасида олтин кўприк вазифасини бажариши керак. Ташрифолди тадбирларда бу тузилмаларнинг намунали фаолиятини кузатяпмиз. Турли форум ва учрашувларда салмоқли инвестиция жалб қилинмоқда.**

Ҳозир кўпгина давлатларда геосиёсий зиддият кучайиб, ўзаро келишмовчиликлар авж олгани инвестициялар бозорига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, ўтган йили глобал инвестициялар ҳажми 14 фоиз камайган. Шунга қарамай, давлатимиз раҳбари бу соҳага алоҳида эътибор бераётгани, турли янгиланиш ва ташаббусларни илгари сураётгани туфайли мамлакатимизга киритилаётган хорижий инвестиция ҳажми тобора ортиб боряпти. Хусусан, жорий йилда 1888 та инвестиция лойиҳасини ҳаётга татбиқ этиш режалаштирилмоқда.

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасида юртимизда бўлиб ўтаётган, тарихий аҳамиятга молик, дунё эътиборини Ўзбекистонга қаратаётган турли халқаро тадбирларнинг ҳам ўрни беқиёс. Жумладан, яқинда ўтказилган “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити, Халқаро иқлим форуми, Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей Ассамблеяси айни шу йўналишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ушбу сиёсий жараёнлар нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақаси учун келгуси тараққиёт йўлини жадаллаштирадиган муҳим воқеа бўлди. Айниқса, “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммитининг “Келажакка сармоялар” шиори остида ўтказилганида ҳам чуқур маъно бор. Ушбу тадбир якунлари бўйича Европа Иттифоқи томонидан Марказий Осиёга 12 миллиард доллар ажратилиши ҳудуд ривожи учун жуда муҳим.

Шунингдек, саммит доирасида Тошкентда Европа инвестиция банки офисини очиш тўғрисида имзоланган битим ҳам икки минтақа ўртасидаги инвестиция лойиҳалари амалга оширилишида Ўзбекистон асосий ҳудудга айланишини билдиради.

Жорий йил июнь ойи бошида Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан шерикликда Тошкент халқаро инвестиция форуми ўтказилиши кутилмоқда. Ушбу тадбирда Европанинг етакчи компания ва банклари билан умумий қиймати 30 миллиард евродан ортиқ бўлган лойиҳалар портфелини тақдим этиш режалаштирилмоқда. Бу эса Ўзбекистонда қатор йирик инвестиция лойиҳаларига старт берилишини билдиради.

Мазкур маълумотлардан ҳам юртимиз манфаатли ҳамкорлик қилиш ва инвестиция киритиш учун энг жозибадор ҳудуд, минтақанинг ўзига хос маёғи эканини билиш мумкин.

Ўзбекистон инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда Европа давлатлари билан бирга Хитой, Жанубий Корея, БАА, Туркия сингари мамлакатлар билан ҳам манфаатли ҳамкорлик қилмоқда.

Яқинда Президентимиз раислигида ҳудудларнинг туризм салоҳиятини ошириш, хорижий инвестиция лойиҳаларини жадаллаштириш масалалари муҳокамаси бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида келтирилган маълумотлардан ҳам турли мамлакатлар билан ҳамкорликда салмоқли натижаларга эришилаётганини кўриш мумкин.

Йиғилишда жорий йил биринчи чорагида давлатимиз раҳбарининг БАА, Малайзия, Кувайт ва Францияга ташрифи чоғида 39 миллиард долларлик 178 та лойиҳа бўйича келишувларга эришилгани таъкидланди.

Таҳлилий-танқидий руҳда ўтган йиғилишда ташқи инвестицияларни жалб этишда эришилаётган салмоқли натижаларни қайд этиш билан бирга юртимиздаги кенг имконият ва юқори салоҳиятдан тўлақонли фойдаланилмаётгани танқид қилинди.

Хусусан, халқаро тадбир ва чет элга ташрифлар давомида катта инвестициялар жалб этилаётгани айтилди. Аммо айрим вилоят, шаҳар, туман раҳбарларининг ўз ҳудуди салоҳиятидан келиб чиқиб, ташқи инвестицияларни жалб қилишда жонбозлик кўрсатмаётгани қайд этилди. Шунингдек, бу йўналишда Ўзбекистоннинг чет элдаги вакиллари янги лойиҳа ва учрашувлар ташкил этган ҳолда у ердаги йирик тижоратчиларнинг юртимизга қизиқишини ошириши зарурлиги таъкидланди.

Пухта лойиҳа ва манфаатли ҳамкорлик келишувлари тузиб чиқилса, юртимиздаги ҳар бир ҳудудга чет эллик сармоядорларни жалб этиш мумкин. Энг асосийси, давлат инвесторларга яратиб бераётган шарт-шароит, имкониятларни чет эллик ишбилармонларга манзур шаклда тақдим этиш зарур.

Айни пайтда юртимизда бино ва иншоотлар ҳамда ер-мулк узоқ муддатга ижара асосида берилиши, муайян ускуналарни олиб кириш бўйича бож имтиёзлари мавжудлиги, қатор солиқ имтиёзлари ҳар бир хорижлик бизнесменни ҳам ўзига жалб қилиши тайин. Фақатгина бунинг хорижий инвесторларга етиб боришини таъминлаш талаб этилади.

Илгари инвестор бормаган, темир йўл ёки магистрал йўл ҳам ўтмаган Олтинсой туманида 100 миллион долларлик 3 та йирик лойиҳа амалга оширилаётгани инвестиция жалб қилиш учун ҳудудларда етарли шароит мавжудлигига яққол мисол. Ёки Қўшработда гранит қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича 75 миллион долларлик 2 та янги лойиҳа бошланганини қайд этиб ўтиш мумкин.

Ҳудудларнинг бундай натижаларга эришишига асосий сабаб у ерда бизнес қилиш учун қулай инфратузилма яратилганидир. Хусусан, яқинда Самарқанд шаҳридан Ургут туманига ҳам темир йўл ўтказилиши бўйича ишлар бошланган. Бу эса ушбу ҳудуднинг ҳам хорижий инвестиция жалб қилиш учун қулай манзилга айланишига замин ҳозирлайди.

Ҳудудлардаги шаҳар ва туман раҳбарлари хорижий инвесторларга ҳудуднинг инвестиция салоҳиятини намоён қилиш, янги инвестиция лойиҳаларини тақдим этишдан олдин ўша ернинг логистикасини яхшилаши зарур. Савдо-сотиқ ёки ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун энергетика таъминоти, ишчи кучи, транспорт логистикаси жуда муҳим.

Ташқи инвестиция жалб қилиш масаласида Ўзбекистоннинг чет элдаги вакиллари икки мамлакат ўртасида олтин кўприк вазифасини бажариши керак. Ташрифолди тадбирларда бу тузилмаларнинг намунали фаолиятини кузатяпмиз. Турли форум ва учрашувларда салмоқли инвестиция жалб қилинмоқда. Йиғилишда Лондонда ташкил этилган “Ўзбекистон инвесторлари куни” тадбирида 2 миллиард 770 миллион доллар жалб қилиш бўйича келишувга эришилгани маълум қилинди.

Юртимизнинг инвестициявий жозибадорлиги йил сайин ортиб бормоқда. Бунинг учун, аввало, қонун ижодкорлиги орқали маъмурий ислоҳотлар, керакли иқтисодий-ижтимоий муҳит, турли имтиёз ва қулайликлар яратиб берилмоқда. Хусусан, яқинда ишлаб чиқиладиган хусусийлаштиришга оид катта дастурга кўра, 49 та корхонадаги давлат улуши халқаро бозорда сотилиши, 15 та йирик давлат корхонаси евробонд чиқариши кўзда тутилган. Бу — мамлакатимизда кенг кўламли инвестиция лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш учун катта имконият. Фақат хорижий инвесторларга ҳудудимизнинг инвестициявий жозибадорлигини тўғри тақдимот қилишимиз талаб этилади. Менимча, бу лойиҳалар ҳеч бир бизнесменнинг эътиборидан четда қолмайди.

Турли инвестиция лойиҳаларининг ҳаётга татбиқ этилиши тўғридан тўғри иқтисодиётимиз юксалиши, халқ фаровонлиги, юртимиз тараққиётига таъсир этади. Сабаби янги лойиҳа — янги иш ўрни, замонавий бунёдкорлик, талабгир маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши, демакдир.

**Муҳсинжон ХОЛМУҲАМЕДОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**

# ГЛОБАЛ ИШТИРОК — КЕНГ ИМКОНИЯТЛАРГА ЙЎЛ ОЧАДИ

Нуқтаи назар



Шуҳрат СИРОЖИДДИНОВ,
академик

Бошланиши 1-бетда

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари бугунги кунда нафақат юртимиз, балки бутун Марказий Осиё сиёсий саҳнасида ўзига хос феномен сифатида намоён бўлмоқда. Президентимизнинг халқаро майдондаги ташаббуслари ишонч, конструктив мулоқот ва барқарор тараққиёт йўлида муҳим пойдевор вазифасини ўтаётир. Айни ташаббуслар минтақадаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, тинчлик ва тараққиётни таъминлашга қаратилгани билан, айниқса, эътиборга молик.

Президентимизнинг “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммитида сўзлаган нутқи ҳам бутун бир минтақанинг геосиёсий келажагини шакллантиришга хизмат қилувчи муҳим баёнот бўлди, десам адашмайман. Давлатимиз раҳбари саммитдаги очиқ, конструктив ва самарали учрашувлар мамлакатларимиз ва минтақаларимиз манфаатлари йўлида шериклик ва амалий ҳамкорликни чуқурлаштиришга бўлган ҳаракатларни яна бир бор намоён этганига урғу берди. Бу сўзлар замирида нафақат дипломатик хушмуомалалик, балки халқаро шерикликка юксак ишонч, минтақа тараққиёт сари дадил иштиёқ акс этади. Президент ўз нутқида халқаро молиявий институтлар билан алоқалар қайта тикланганини, иқтисодий ҳамкорликнинг янги босқичга кўтарилганини фахр билан эътироф этди. **“Бундан саккиз йил олдин Ўзбекистон билан Европа тикланиш ва тараққиёт банки муносабатлари тўхтаб ётганини қайд этишни истар эдим. Бугун эса биз банкнинг энг йирик бенефициарларидан биримиз”,** деди давлатимиз раҳбари.

Бу биргина статистик маълумот эмас, балки қайта қурилган ишонч тимсоли, халқаро молиявий тизимдаги Ўзбекистоннинг мустаҳкам ўрнини англатувчи далилдир. Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг очиқ иқтисодий сиёсати, халқаро шерикликка қаратилган стратегияси ана шундай улкан натижаларни яратишга асос бўлмоқда.

Жараёнларни синчиклаб кузатар эканмиз, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати изчил ва узоқ муддатли стратегияга асосланганига гувоҳ бўламиз. Унга кўра, Европа билан ҳамкорлик фақат Ўзбекистон эмас, балки бутун Марказий Осиё манфаатлари доирасида бўлиши айни муддао. Бу худди “Ён қўшнинг — жон қўшнинг” мақолининг сиёсат майдонидаги ифодасига ўхшайди. “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммитида барча қўшни давлатлар раҳбарлари иштирок этгани эса бу фикримизни яққол исботлайди.

Давлатимиз раҳбари нутқида таъкидлаган қуйидаги сўзлар эса минтақанинг умумий ривожланиш мақсадлари бутунлай янги босқичга чиққанидан далолат: **“Умумий сиёсий иродамиз туфайли барқарор ва ортга қайтмас тус олган Марказий Осиёдаги чуқур трансформация жараёнлари кўп қиррали ҳамкорлигимизни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.**

**Минтақа мамлакатлари ўртасида ишонч ва яхши қўшничилик мустаҳкамланмоқда, кенг кўламли ҳамкорлик ва кооперация алоқалари кенгаймоқда. Бундан етти-саккиз йил аввал бунинг учун ҳатто шароит ҳам йўқ эди. Баъзи мамлакатлар ўртасидаги чегаралар ёпиқ эди. На савдо, на транзит, на бизнес, ҳеч қандай гуманитар алмашувлар йўқ эди. Муносабатлар шунчаки музлатиб қўйилганди. Ўшанда ҳеч ким яқин келажакда биз Европа етакчилари билан музокараларда минтақамизни биргаликда намоён этишимизни тасаввур ҳам қила олмас эди”.**

Айни бирдамликка чорлаш ва ташаббускорлик қобилияти давлатимиз раҳбарининг нафақат миллий, балки минтақавий етакчи сифатидаги ўрнини янада мустаҳкамлаётганини алоҳида таъкидлашни истар эдим.

Апрель ойининг биринчи ўн кунлигида Ўзбекистон яна бир глобал сиёсий тадбирга мезбонлик қилди. Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей Ассамблеяси илк бор Марказий Осиёда, айнан Ўзбекистонда ўтказилди. Бу ҳам юртимизнинг халқаро нуфузи ва давлатимиз раҳбарининг улкан ташаббусларига дунё сиёсат майдонида катта қизиқиш билдирилаётганини тасдиқловчи муҳим воқеа бўлди. Президентимиз ушбу анжуманда ҳам тинчлик, ҳамжиҳатлик ва тараққиёт ғояларини илгари сурди. Ўз нутқида бугунги мураккаб шароитда дунёда тинчликни сақлаш, ижтимоий тараққиёт ва адолатни таъминлашда парламентлар иштироки ва таъсирини ошириш замон талаби эканини қайд этди. Турли минтақалардаги низоларнинг хавфсизликка таҳдиди ҳақида тўхталар экан, Президентимиз Ўзбекистон ҳар қандай зиддият ва қарама-қаршиликларни фақат дипломатия ва тинч музокаралар йўли билан ҳал этишнинг қатъий тарафдори эканини яна бир бор таъкидлади.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари сунъий интеллект соҳасида тизимли ҳамкорликни кучайтиришни бугунги замоннинг ўзи талаб этаётганини эслатиб, сунъий интеллектдан фойдаланиш этикаси бўйича намунавий қонун ишлаб чиқилса, ушбу инновацион ҳуқуқий асос мазкур соҳани самарали тартибга солишда барча давлатлар учун ўзига хос намуна бўлишини айтди.

Бундай нуфузли тадбирларнинг айнан Ўзбекистонда ўтказилгани мамлакатимизнинг халқаро майдондаги ўрни ва таъсири сезиларли даражада мустаҳкамланиб бораётганидан далолат. Шунингдек, айни тарихий воқеалар орқали Ўзбекистон глобал тизимдаги иштирокини-да тобора кенгайтирмоқда. Бунда эса, шубҳасиз, давлатимиз раҳбарининг стратегик ва узоқни кўра билувчи сиёсий иродаси асос вазифасини ўтаётир.




УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

# ЎЗ УЙИГА ЭГАЛИК ҲУҚУҚИ БЕРИЛДИ ВА ЯРИМ АСРЛИК ОРЗУ УШАЛДИ

Инсон қадри учун



**Сайёра опа ҳовли ўртасига экилган сабзавотларни бегона ўтлардан тозаларкан, хаёлга берилди. Бу хонадонга келин бўлиб тушганига ҳам салкам ярим асрга яқинлашиб қолибди. У пайтлар ҳозиргидек шинам уй-жой қайда эди. Икки хонали кичик уйда қишдан бир амаллаб чиқиб оларди. Шароитлар ҳам ўзига яраша. Айниқса, кўчалар анча абгор ҳолда. Ҳозиргидек асфальт қайда? Қишда бир қарич лой бўлиб кетарди. Шукрки, бугун барчаси бинойидек. Турмуш ўртоғи ҳам интилувчан. Доим ҳаракат қилишдан тўхтамайди.**

Олдинроқ бир оз кичикроқ бўлса-да, янги уйга пойдевор ташлаганди. Деворига келганда тўхтаб қолди. Аммо фарзандлари улғайиб, ёнига киргач, бирданига каттароқ, кўпчилик ҳавас қиладиган уй қуришди. Фақат хонадонини қонуний ҳужжатлаштириб олиш шу пайтгача бирор марта ёдига келмаган экан. Эрта қиламиз, индин қиламиз билан кун ўтиб кетаверибди. Ўтган йили катта ўғли тадбиркорлик ишини бир оз кенгайтириш истагида банкдан кредит олмоқчи эди. Бунинг учун гаровга уйни қўйиш ҳаракатида бўлди. Аммо шу куннинг ўзида ҳафсаласи пир бўлиб қайтди. Эмишки, уйнинг эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат бўлмаса, бефойда экан. Ҳужжатлаштириш учун анча вақт кетади. Бунга бекорчининг ўзи йўқ. Дарвозанинг тақиллаши опанинг хаёлини бўлди.

Эшик олдида турган уч йигитни кўриб, ҳайрон қолди. Саломлашган бўлди.

— Келинглар, меҳмонлар, — дея савол назари билан уларга қаради.

— Опа, биз Давлат кадастрлари палатаси Қашқадарё вилояти бошқармаси ходимларимиз. Яқинда давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган “Ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкалари ҳамда уларда қурилган бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги қонун ижросини таъминлаш борасида иш бошлаганмиз. Хонадонларнинг кадастр хатловини ўтказяпмиз. Агар хўп десангиз, хонадонингизни ҳам хатловдан ўтказиб олсак.

— Майли, бемалол келаверинглар, — деганча меҳмонларни ичкарига бошлаган Сайёра опа уларнинг мақсадини унчалик тушунмади. Шу сабаб ишда бўлган турмуш ўртоғига ҳам телефон қилиб, вазиятдан хабардор қилиб қўйди. Эри ҳам унчалик парво қилмади. “Хўп. Ўзлари учун керакдир”, дея индамади.

Кадастр ходимлари хатлов ўтказиб кетганига ҳам бир оз вақт ўтиб қолди. Бу орада улар опанинг ёдидан кўтарилиб кетди. У ҳам эри каби шунчаки: “ўз ишини қилиб кетди-да”, деб қўйганди шунда. Қўшнилардан сўраганди, улар ҳам хатлов қилишганини айтишди. Фойдаси бўлиб қолар, деган умидда жим юраверди.

Шу орада кадастрдагилар телефон қилишди. Айрим камчиликлари қолганини, тез орада расмийлаштирилиб, опанинг номига эгалик ҳуқуқи берилиши ҳақида айтиб қолишди. Шунда ҳам унчалик ишонгиси келмади. Қўлга бирор ҳужжат беришмаса бекор, деган хаёлда бўлди.

Куни кеча Қашқадарё вилоят ҳокимлиги мажлислар залига бошқалар қатори чироқчилик Сайёра Шукурова ҳам таклиф этилди. Залда ўтирганлар орасида Сайёра опанинг ҳам номи ўқилиб, унга ўз уйига эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат топширилди. Опанинг қувончдан кўзлари ёшланди. Қўлидаги ҳужжатга қараб: “Ўз уйимга ўзим эгалик қиладиган бўлдим”, дея мамнун бўлди.

— Бундай бўлади деб ҳеч ўйламагандим, — дейди С.Шукурова. — Шу хонадонда истиқомат қилаётганимизга эллик йилга яқинлашяпти. Турмуш ташвишлари билан бўлиб ҳужжатлаштиришга эътибор қаратмагандик. Кейинчалик ноқонуний қурилиш, дея рўйхатга олишмади. Шундан сўнг анча хавотирда юрардик. Наҳотки, ўзимиз яшаб турган уйимизга ўзимиз эгалик қила олмасак. Эгалик ҳуқуқи бўлмагач, хоҳлаган пайтда уйимизни бузиб ташлаши мумкинлигини баъзилар айтиб қолишса, безовта бўлиб юрардим. Бугун эса айнан вилоят ҳокими қўлимизга эгалик ҳуқуқини берувчи расмий ҳужжатни топширди. Бундан кўксимиз осмон қадар юксалди. Қаддимиз баланд бўлиб, қадримиз ҳам тикланди. Ўз ҳовлингда эркин яшашга нима етсин.

Шу куни Халқ депутатлари вилоят кенгаши қарори билан Сайёра опа қатори вилоятдаги жами 18 фуқаронинг ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкалари ва уларда қурилган уй-жойларига бўлган ҳуқуқлари расман эътироф этилди.

— Оила қурганимиздан сўнг — 1994 йилда янги жойга кўчиб чиққандик, — дейди Ғузор туманида яшовчи ўқитувчи Дурдона Файзиева. — Шундан буён уйимизнинг кадастр ҳужжатлари мавжуд эмасди. Қонун қабул қилиниши биз учун жуда аҳамиятли бўлди. Бугун эгалик ҳуқуқини тўлақонли равишда қўлга киритдик. Бу биз учун қатор имкониятларни тақдим этди, десам адашмаган бўламан. Мисол учун, энг биринчи навбатда шунча йиллик армонимиз ушалиб, расмий ҳужжатга эга бўлдик.

Уй-жойга мулк ҳуқуқининг эътироф этилиши натижасида прописка, болаларни мактаб ва мактабгача таълим муассасаларига жойлаштириш, моддий ёрдам олиш каби муаммолар ҳал этилади ҳамда кўчмас мулкни сотиш, ижарага бериш, кредит таъминоти сифатида гаровга қўйиш, ер участкаси жамоат эҳтиёжлари учун олинганда компенсация олиш каби иқтисодий имкониятлардан фойдаланиш мумкин бўлади.

Абдуқаҳҳор Тўхтаев ҳам Нишон туманидаги Жалажин маҳалласида анча йилдан бери истиқомат қилиб келаётган бўлса-да, шу пайтгача хонадонига эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат мавжуд эмасди. Қарийб 30 йилга яқин вақтдан бери ушалмаган нияти бугун амалга ошди.

— Аҳоли яхши яшаши, турмуши фаровон, ҳаётдан рози бўлиши учун ҳар бир соҳада янгиланишлар, ўзгаришлар кечмоқда, — дейди



Абдуқаҳҳор Тўхтаев. — Ишонасизми, шу йилдан томорқадан фойдаланилмаса, уч карра солиқ ҳисобланиши борасида эшитиб, бир оз ажабланиб қолгандим. Аслида, эътибор бериб қарасам, шундоққина ҳовлисининг ўзидаги имкониятдан фойдаланмайдиганлар ҳам кўп экан. Ўзим қишлоқда вояга етганман. Меҳнатдан қочмайман. Шу сабаб, ҳеч қачон ҳовлини бекор қолдирмайман. Меҳнатимиз ортидан бозордан сабзавот сотиб олмаймиз. Барчаси томорқадан чиқади. Тўғриси, энди томорқамга янада меҳр билан ишлаб, янада кўпроқ маҳсулотлар олишга ҳаракат қиламан. Ахир ўзингники барибир ўзингники-да.

Шу давргача республикамизда ҳуқуқий ҳужжатлари йўқ ёки тўлиқ бўлмаган, ер участкасидан узоқ йиллар давомида фойдаланиб келаётган ёки ерга бўлган ҳуқуқларни расмийлаштириш масаласи ер эгасига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра охирига етмаган ер участкалари мавжуд эди.

Бу эса, маълумотларга кўра, республикамиз бўйича 4 миллионга яқин фуқаро уй-жой ва бошқа турдаги иншоотларга эгалик ҳуқуқини ололмасдан сарсон бўлишига сабаб бўлиб келаётган эди.

Биргина Қашқадарё вилоятининг ўзида эгалик ҳуқуқини эътироф этиш тартиби амалиётга жорий этилиши натижасида 2024-2025 йилларда 155 мингга яқин уй-жой ва бошқа турдаги иншоотга эгалик ҳуқуқи берилиши режалаштирилган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, қонун ижроси натижасида дастлаб 18 фуқаро ўз уй-жойларига эгалик ҳуқуқини қўлга киритган бўлса, энди бу жараён узлуксиз давом эттирилади. Айни пайтда кадастр ходимлари томонидан тегишли тартибда ишлар ўтказилмоқда.

Эслатиб ўтамиз, ушбу жараён 2028 йилнинг 1 январига қадар амалга оширилиши қонун билан белгилаб қўйилган.

**Акбар РАҲМОНОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

# БИР ДАРЁ СУВИДАН УЧ ХИЛ РЕСУРС

**Президентимизнинг 2021 йил 1-2 июнь кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифида илгари сурилган ташаббус доирасида Тўпаланг сув омборидан Термиз шаҳригача бўлган қарийб 382 километр узунликдаги магистрал ичимлик сув тармоғи қурилиши кенг миқёсда давом эттирилмоқда.**

Бунёдкорлик

Ушбу йирик инфратузилма лойиҳаси орқали Сариосиё, Денов, Олтинсой, Шўрчи, Қумқўрғон, Жарқўрғон, Термиз, Бандихон, Қизириқ, Ангор, Музработ ва Шеробод туманлари, шунингдек, Термиз шаҳрида истиқомат қилувчи 2 миллионга яқин киши тоза ичимлик сув билан таъминланиши режалаштирилган.

Кейинги 5 йилда аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш ва оқова сув тизимини яхшилаш мақсадида 356 миллиард сўм эвазига 950 километр ичимлик сув тармоғи тортилди ва 157 та иншоотда қурилиш-реконструкция ишлари бажарилди. Сув билан таъминлашга хизмат қилувчи янги 227 та объект фойдаланишга топширилди. Натижада ҳозир воҳа аҳолисини марказлашган ичимлик сув билан таъминлаш даражаси 63 фоизга етказилди.

Жорий йил якуни бўйича бу кўрсаткични воҳада 80 фоизга етказиш кўзланган. Шу мақсад йўлида ҳозир Тўпаланг сув омборидаги захирадан фойдаланиб, туман ва шаҳарлар ичимлик сув билан таъминланмоқда.

Бир-икки йилда 5 та туман табиий тоза ичимлик сувдан баҳраманд бўлган бўлса, қисқа муддатда, хусусан, жорий йил якунига қадар 12 та туманга Тўпаланг сув омборидан тоза обиҳаёт кириб боради.

— Маҳаллий аҳоли шу пайтгача истеъмол қилиб келган ичимлик сув қаттиқлиги 14 даражани ташкил қиларди. Санитария-эпидемиология меъёрларига кўра, бу ҳолат турли касалликларга сабаб бўлиши мумкин. Жумладан, бугун вилоятда ўт тоши, буйрак касалликлари билан оғриганлар сони ортаётганининг асосий сабабларидан бири ҳам сифатсиз сув ичаётганимиз билан боғлиқ, — дейди деновлик шифокор Тиллажон Боев. — Шунингдек, ёндош касалликларнинг олдини олиш туз мувозанати, гармон ва ферментлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун ҳам экологик тоза сув керак.

Лойиҳа доирасида ҳар бир туманнинг режалаштирилган манзилида ҳажми 1000, 10 минг ва 20 минг куб метрдан иборат сув йиғиш резервуарлари қуриб битказилади. Масалан, Тўпаланг сув омборига нисбатан энг олис манзиллардан бири — Термиз туманида 28,6 километр узунликдаги ички металл сув қувури тармоғи ҳамда Бандихон туманида 9,42 километр магистрал ҳамда 2,3 километр ички металл сув қувури тармоғи тортилади.






— Дастлаб обиҳаёт сувни қайта ишлаб, истеъмол қилиш учун тайёрловчи иншоотга келиб тушади. Мазкур иншоотда сув 5 босқичда қайта ишланади. Ана шу босқичларда обиҳаёт зарур кислород билан бойитилади, тозаланади, турли реагентлар қўшилади, денгиз қуми билан тўлдирилган ҳовузларда тиндирилади ва охирида хлорланади, — дейди қурилиш бўйича масъул Омон Бобомуродов. — Иншоотда қайта ишланган сув назорати автоматлаштирилган тизим орқали бошқарилади. Бунда Туркиядан келтирилган замонавий технологиялардан фойдаланилмоқда. Бу эса ортиқча исрофгарчилик ва тармоқлардаги узилишларнинг олдини олишга хизмат қиляпти.

Кўлами ва аҳамияти жиҳатидан йирик мазкур лойиҳа доирасида ҳар бир тумандаги сув тозалаш иншоотларининг ўзида лаборатория ҳам ташкил этилган. Бу ерда ҳар кунлик сув назоратдан ўтказилиб, таркиби текшириб турилади.

Президентимизнинг тегишли қарорлари асосида Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманидаги “Зарчоб-1” ва “Зарчоб-2” ГЭСларини қуриш лойиҳаси якунига етган бўлса, “Зарчоб-3” кичик ГЭСи лойиҳасини якунига етказиш ишлари бажарилмоқда. 2025 йилнинг ёз фаслига бориб, “Зарчоб-3” лойиҳаси фойдаланишга топширилиши натижасида йилига ўртача 70 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Бу 23 минг 200 хонадон ёки 93 минг одам узлуксиз электр билан таъминланади, дегани.

Энди битта каскадда жойлашган 4 та ГЭСда 266,4 мегаватт электр энергияси ишлаб чиқарилишига эришилади ва воҳанинг 40 фоиз эҳтиёжи таъминланади. Бу ресурслар табиий ва қайта тикланувчан бўлгани боис, атроф-муҳитга ҳеч қандай зарар етказмаган ҳолда барқарор энергия ишлаб чиқарилиб, саноат корхоналари, турли идоралар ва аҳолига етказиб берилади.

Шу кунларда воҳа аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида ишни жадаллик билан ташкил этиш ва йил якунига қадар истеъмолчиларни Тўпаланг дарёси суви билан таъминлаш мақсадида 6 та қурилиш бўлинмаси, 63 пайвандчи, 232 ишчи, 22 та экскаватор, 30 тонна юк кўтариш қувватига эга 7 та автокран, 11 та дизель генератори, 22 та пайвандлаш ускунаси, 6 та қувур ташувчи юк машинаси ва бошқа махсус ускуналар ажратилган.

Мегалойиҳа доирасида сув омборидан вилоят маркази — Термиз шаҳригача 382 километр узунликда металл қувурлар ётқизилади. Унинг 160 километр қисми магистрал, 222 километр қисми эса 12 та туман ва вилоят марказини сув билан таъминлаш узелларигача бўлган ички қувурлардир.

— Тўпаланг дарёсининг ҳаётий зарурат юзасидан Сурхон воҳаси аҳолисига нафи кам тегарди. Кейинги 6-7 йилда йирик дарёдан халқимиз манфаати учун самарали фойдаланиляпти, — дейди халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Орзиқул Соатов. — Бир дарё сувидан инсон ҳаёти учун зарур бўлган икки ресурс олинаётгани чинакам эътироф. Бугун сурхондарёликларнинг фаровонлигини оширишга қаратилган йирик лойиҳанинг навбатдагиси ҳам натижа бериб, мушкулимизни осон қилишига ишончимиз комил.

Сувдан яшил энергия олиниши давлат иқтисодиёти ва ривожланиши учун контомирдай муҳим бўлса, инсонларни тоза ичимлик сув билан таъминлаш ҳам аҳоли саломатлиги учун шу қадар зарурий эҳтиёждир.

Бир вақтлар инсоният учун туганмас бойликдек туюлган тоза ичимлик сув бугун аслида энг қадрли ва тежаб фойдаланиладиган неъмат экани кундай ойдинлашиб бораётгани ҳақиқат. Сурхон воҳаси аҳолиси фаровонлигига хизмат қилувчи бундай халқчил лойиҳалар эса ҳар томонлама қулай, манфаатли ва самарали.

**Сарвар ТЎРАЕВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

Ислоҳотлар самараси

# ОДАМЛАРНИНГ ҲАЁТДАН РОЗИЛИГИ — АҲИЛЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ДЕМАКДИР



**Шавкат ТЎРАЕВ,**
**Тошкент ахборот технологиялари университети проректори**



**Халқимиз бир кун уруш бўлган уйдан қирқ кун барака кўтарилишини айтади. Демак, аҳиллик нафақат руҳий хотиржамлик, балки иқтисодий фаровонликка ҳам ижобий таъсир қилади. Шу маънода, Марказий Осиё давлатларининг яхши қўшничилик, яқин ва ишончли ҳамкорлик алоқаларининг юқори даражага чиққани жуда қувончли ҳодиса. Бундай аҳиллик геосиёсий вазият тобора мураккаблашиб бораётган даврда ҳал қилувчи куч ҳисобланади.**

Албатта, бунга осонликча эришилгани йўқ. Кейинги йилларда юртимизда ташқи ва ички имкониятлардан тўла фойдаланишга қаратилган кенг кўламдаги ислоҳотлар амалга оширилди. Айниқса, яқин қўшнилар билан ўзаро тушуниш йўлидан борилгани жиддий ўзгаришларга сабаб бўлди. Бундай янгиланишлар инсон қадрини улуғлашга, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигига хизмат қилиб келмоқда. Натижада Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорликка бугун халқаро майдонда катта ишонч билдирилмоқда. “Марказий Осиё руҳи” атамаси ҳаётимизга кириб келиши ҳам бежиз эмас ахир.

Аҳиллигимизнинг ҳаётий тимсоли сифатида Ўзбекистон — Тожикистон — Қирғизистон чегаралари туташган кенгликда Дўстлик стеласи ўрнатилди. Шу тариқа Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистоннинг мустақил ривожланиш тарихида илк бор уч мамлакат давлат чегараларининг туташ нуқтаси тўғрисидаги шартнома имзоланди. Ушбу келишув мамлакатларимиз тарихида янги саҳифа очди. “Бир асрлик муаммо”га нуқта қўйилди деб бемалол айта оламиз. Бундай ютуқлар илдизи қаерга туташган, бунга қандай эришдик, деган саволларга жавоб изласак. Зеро, ютуқларнинг қувват манбасини билиш, уни асраб-авайлаш зарур.

Янги Ўзбекистонда ўзгаришлар бевосита мамлакат тараққиёти, халқ фаровонлигига хизмат қила бошлади. Закий кишилар яхши англайдики, мамлакат ичидаги кенг кўламдаги бундай ислоҳотлар учун ташқи дарвозалар ҳам очиқ бўлиши керак. Чунки ҳеч бир замонда бирор мамлакат якка ҳолда ривож топмаган. Минг асрлар нарида ҳам карвон йўлидаги шаҳарлар обод бўлгани ҳақида тарихий фактлар бор. Жумладан, Марказий Осиё ҳудудидаги қадимий шаҳарлар Шарқ ва Ғарбни боғлаган савдо йўлида бўлган. Ҳаётнинг бундай ўзгармас қонунияти ўз-ўзидан Марказий Осиё давлатлари олдига тенг, ишончли ва дўстона ҳамкорликни мустаҳкамлаш вазифасини қўйрди. Янги Ўзбекистондаги ислоҳотлар, аввало, қўшнилар билан борди-келдини тиклашдан бошланди. Қувонарлиси, қисқа вақтда бу ўз самарасини бера бошлади, аҳиллик сабаб барака келиши яна бир бор ўз тасдиғини топди. Энди мазкур ишларни янада жадал давом эттириш зарур. Чунки янги Ўзбекистон учун имкониятлар эшиги кенг очилган.

Барча замонларда тараққиёт иқтисодий барқарорликка боғлиқ бўлган. Бу исбот талаб этилмайдиган факт. Шу боис, юртимизда тадбиркорлик, хусусан, кичик ва ўрта бизнесга катта эътибор қаратилмоқда. Президентимиз жорий йил 19 март куни кичик ва ўрта бизнес вакиллари билан учрашув ўтказди. Бу тарихий воқеа тадбиркорлик муҳитининг янги даврини бошлаб берди, десак муболаға бўлмайди.

Учрашувда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш стратегик йўлимиз экани таъкидланди. Бундай эътироф табиий. Негаки, тадбиркорлик ривожи мамлакат қудратининг асосий омилларидан бири. Шу маънода, давлатимиз раҳбари кичик ва ўрта бизнесда тез ўсаётган тадбиркорларга кўмак бериб, уларни “чемпион”га айлантириш чора-тадбирлари ҳақида соҳа вакиллари билан мулоқот қилди.

Кенгашли тўй тарқамайди, режа қанча пишиқ бўлса, иш самарадорлиги шунча ортади. Мавжуд масалалар ва уларнинг ечимини эса ўша соҳа вакиллари бошқалардан кўра кўпроқ билади. Шу боис, Президентимизнинг тадбиркорлар билан очиқ ва кўтаринки руҳдаги суҳбати чоғида жуда кўплаб масалалар ечим топди. Айрим жиҳатлар ҳақида гап кетганида вазиятни тубдан таҳлил қилиб, бир қарорга келиш зарурлиги ойдинлашди. Шунинг ўзиёқ ислоҳотлар фақат ижобий фикр уйғотиш ва қуруқ рақамлар учун эмас, балки том маънода инсон қадри, қонун устуворлиги ва адолат тамойилига асосланганини кўрсатди.

Шу ўринда ушбу учрашув доирасида тадбиркорлар учун қандай янгиликлар бўлгани ва бунинг оддий одамлар ҳаётига таъсири ҳақида фикр юритсак. Аввало, таъкидлаш керакки, яратилган шароитлар сабаб кейинги беш йилда кичик ва ўрта тадбиркорлар сони 2 карра кўпайган. Бу бевосита жамият фаровонлигига хизмат қиляпти. Чунки айнан шу тадбиркорлар сабаб 10,5 миллион одамнинг бандлиги таъминланган, рўзғорига ҳалол меҳнат сабаб топилган баракали ризқ ёғилмоқда. Демак, энди соҳа учун янги уфқларни очиш халқ фаровонлиги йўлидаги энг самарали иш ҳисобланади. Шу мақсадда давлатимиз раҳбари соҳадаги асосий мақсад ва вазифаларга тўхталди. Иш тезкор самара бериши учун дастлабки мўлжал яқин олиниб, 2025 йил учун режалар кўрсатилди. Хусусан, кичик ва ўрта бизнеснинг иқтисодиётдаги улушини 55 фоизга кўтариб, 70 миллиард долларлик қўшилган қиймат яратиш вазифаси қўйилди.

Муайян соҳанинг иқтисодиётдаги улушини ошириш шунчаки гап билан бўлмайди. 70 миллиард долларлик қўшилган қиймат яратиш учун, аввало, тадбиркорларга янги имкониятлар эшиги очилиши зарур. Шуни ҳисобга олиб, бу йил кичик ва ўрта бизнесга 120 триллион сўм ресурс берилиши айтилди. Таъкидлаш керакки, бунча катта маблағ илгари ҳеч қачон бўлмаган.

Юқорида ўтган беш йиллик натижани айтган эдик. Ўша маррага эришиш учун ишбилармонларга имтиёзлар берилди. Текширишлар қисқартирилди. Солиқ тизими тубдан ислоҳ этилди. Муҳими, мамлакатда тадбиркорлик учун қулай муҳит яратилди. Ўша муҳитга битта ҳаётий мисол келтирсак. Илгари тадбиркор текширув келишидан қўрқарди. Айрим ҳолларда сохта ҳужжат билан келган фирибгарлар тадбиркорнинг “жинояти”ни фош этиб, ёпиқ қозонни ёпиқлигича қолдириш учун таъмагирлик қиларди. Янги Ўзбекистонда адолат қарор топиши учун сўз эркинлиги берилди. Фуқароларнинг мурожаати қатъий назоратга олинди. Бугун исталган одам матбуот, ижтимоий тармоқлар орқали чиқиш қилиб, ўз ҳуқуқини талаб этяпти.

Шу йўналишда иккита механизм тенг ишлаши эвазига аниқ ҳаётий натижага эришдик. Булар — текширишларнинг расмий тартибга солиниб, тадбиркорга кўпроқ имконият берилгани ҳамда инсонлар ҳақ-ҳуқуқларини талаб эта олишга кенг йўл очилиши. Зеро, қонунлар унга риоя қиладиган шахслардан иборат жамиятдагина ишлайди. Ҳозир тадбиркор хатога йўл қўйган бўлса, унга бирдан жазо бериш йўли тутилмайди. Хатонинг оқибати, асл ҳолат таҳлил этилади. Яъни имкон қадар ишбилармонларни қўллаб-қувватлашга эътибор берилади. Чунки энди қонунбузарликларни топиб, жарима ундириш эмас, балки халқ фаровонлиги учун хизмат қиладиган жиҳатларни қўллаб-қувватлаш устувор аҳамият касб этяпти.

Жорий йилда соҳа учун белгиланган яна бир вазифа қатор йўналишларда кичик бизнес улушини 2-3 карра оширишдир. Булар қуйидаги йўналишлар: ичимлик сув, канализация, йўл, қурилиш, коммунал хўжалик, етказиб бериш, утилизация, миграция, маданият ва ижтимоий хизматлар. Мана шу омилнинг ўзиёқ соҳаларда давлат улушини камайтиришга жиддий эътибор берилаётганини кўрсатади.

Айни ўринда давлат улуши камайиб, соҳаларга хусусий тадбиркорлар кириб келиши нега муҳимлиги ҳақида тўхталсак. Зеро, бу борада жамиятимизда якдил қараш шаклланиши, менга давлат қилиб бериши керак, нега куним тадбиркорга қолади, деган нотўғри фикрни ўзгартириш зарур. Оддий ичимлик сувни мисол қилиб олайлик. Ҳозир ичимлик сув етиб бормаган ёки сифати билан боғлиқ масалалар бор. Агар ушбу йўналиш тўлиқ ишбилармонлар тасарруфига ўтса, тадбиркор кўпроқ фойда олиш учун ҳам тармоқни замонга мослайди. Рақобат сабаб хизмат сифатини ошириб бориш ҳақида кўпроқ ўйлайди. Бундай кичик тармоқларнинг тўла давлат назоратида туриши, ривожланган мамлакатлар тажрибасидан ҳам маълумки, яхши натижа бермайди.




Бундай янгиликлар, ислоҳотлар халқ фаровонлиги, эл тўкислиги учун бажарилаётганини айтдик. Жорий йилда бунинг ҳам аниқ натижасини кўриш белгилаб берилди. Яъни 1,5 миллион доимий иш ўрни очилиб, соҳада банд аҳоли улуши 75 фоизга етказилади. Мақсадга эришиш учун эса 100 нафардан кўп ишчиси бор корхоналарни 4 мингтага олиб чиқиш вазифаси қўйилган. Шунингдек, кичик бизнесда янги 100 та бренд маҳсулот чиқариш, кичик бизнес иштирокида 200 та стартап лойиҳани молиялаштириш назарда тутилмоқда.

Қабул қилинаётган ҳар бир қарор, бошланаётган ўзгаришлар пухта режага асосланган. Жумладан, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича хорижий экспертлар билан катта дастур ишлаб чиқилган. Хорижий экспертларни жалб этишдан мақсад аниқ натижадор режа (дастур) ишлаб чиқиш бўлган, албатта. Энди кўзланган маррага эришиш учун дастурга 2025 йилда барча манбалар ҳисобидан 10 миллиард доллар ажратилади. Хусусан, аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш учун 22 триллион сўмлик имтиёзли ресурс ажратилади.

Ўзгаришларнинг илк даврида аёллар ва ёшларга жиддий эътибор берилгани, уларни касб-ҳунарга ўқитиш, тадбиркорлик қилиш учун имтиёзлар тақдим этилгани бугунги ютуқларимиз пойдевори бўлди. Шундай хайрли ишлар яна янгича форматда давом этади. Яъни 22 триллион сўмлик имтиёзли ресурсдан 2,5 триллион сўми ёшларга, яна шунчаси аёллар тадбиркорлиги лойиҳалари учун йўналтирилади. Аёл тадбиркорларга кредит ставкаси бошқаларникига нисбатан 2 фоиз арзон бўлади.

Яна бир янгилик, бу йилдан кичик бизнесга 300 миллион сўмгача кредит бериш бошланди. Энди бир йилда йириклашиб, кичик ёки ўрта корхонага айланган тадбиркорларга шундан 150 миллион сўми гаровсиз берилади. Оилавий тадбиркорлик бўйича ҳам 50 миллион сўмгача гаровсиз кредит ажратилади. Буларнинг барчаси иш бошламоқчи бўлган, тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш истагидаги юртдошларимизга катта имконият дегани.

Дарвоқе, имконият ҳақида ушбу учрашувдан яна бир муҳим омилни келтирсак. Яратилган шароитлар ҳисобига уч йилда 250 мингта янги корхона иш бошлади. Уларнинг аксари оёққа туриб, фаолиятини кенгайтириши учун ер ва бинога эҳтиёж сезаётгани таъкидланди. Мавжуд вазиятни ҳисобга олган давлатимиз раҳбари ҳокимлар ер танлашда, энг аввало, кенгайиш истагида юрган, лойиҳаси тайёр тадбиркорлар сўраган жойларни аукционга чиқариши зарурлигини таъкидлади.

Учрашувда Юнусободдаги “Мингбоев роботикс” корхонаси ногиронлиги борлар учун протез ва экзоскелетлар ясаб, 100 га яқин одамни фаол ижтимоий ҳаётга қайтаргани, тадбиркор фаолиятини кенгайтириш учун ногиронлиги бўлган одамлар бемалол кириб-чиқиши учун қулай жой сўрагани ҳам айтилди. Биз айтмоқчи бўлган муҳим факт шу ерда. Битта тумандаги тадбиркорга қулай жой керак экани давлат раҳбарига маълум. Муҳими, тадбиркорнинг масаласи Президентимиз билан учрашув чоғида ҳал этилди. Ана шу биргина масала сабаб шундай вазиятдаги ишбилармонларга енгиллик яратилди. Бундай юқори технологияли маҳсулот яратадиган тадбиркорларга 10 минг квадрат метргача бўлган давлат объектлари 5 йилга бепул ижарага берилиши белгиланди.

Шу билан бирга, бу борада янги тизим жорий қилинади: 15 та туман ва шаҳарда барча давлат идоралари туманлар марказидаги битта кўп қаватли бинога кўчирилади. Янги биноларнинг 1-2-қаватлари тадбиркорларга сотилади. Ушбу туманларда давлат идораларидан бўшайдиган 150 та бино аукционда тадбиркорларга таклиф қилинади. Шу фактларнинг ўзиёқ тадбиркорлар ҳақиқатда Президент ҳимоясида эканидан далолат эмасми?

Дарҳақиқат, бугун янги Ўзбекистон тадбиркорлар учун, умуман, барча соҳада имкониятлар мамлакатига айланиб улгурди. Бундай шарт-шароит замирида эса халқни рози қилишдай улуғ мақсад ётибди. Розилик — аҳиллик демак. Юртимизда масалаларнинг фуқаробай ҳал этилишидан бошланган ўзгаришлар, бирники юзга, юзники туманга бўлиб, Марказий Осиё руҳини вужудга келтирди.

2025 йил – Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили

# МОЖРУМНИНГ МИНГ ЙИЛЛИК АРЧАСИ

## ЁХУД ТАБИАТ ХЎЖАСИЗЛАРЧА ЁНДАШУВНИ КЕЧИРМАЙДИ

**Фориш тумани табиати ўзига хос ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Фориш ҳудуди катталиги бўйича юртимизнинг энг йирик туманларидан биридир. Нурота тоғининг шимолий тизмаларини, Жанубий Қизилқум чўли ва Айдар-Арнасой кўлларининг бир қисмини, Самарқанд вилояти билан чегарадош тарафдаги қир-адирларни қамраган туман ҳудудида республикамиз табиатининг барча хилма-хиллиги мужассам.**

Нурота давлат қўриқхонасининг мазкур туманда жойлашган қисмида ўсимликларнинг 815, ҳашаротларнинг 800 га яқин, қушларнинг 200, сут эмизувчиларнинг 34 тури яшайди. Фақат шу ернинг ўзига хос бўлган 35 тур ўсимлик, 16 хил ёввойи парранда республика ва халқаро “Қизил китоб”ларга киритилган. Фориш дилбанд лоласи, оқ думли бургут, қизилқум қўйи деб аталадиган алқор каби жонивор ва ўсимликларнинг эндемик турлари фақат шу ерда учрайди.

Атроф-муҳитни асрашга берилаётган эътибор туфайли ҳудуднинг яшил майдонлари кенгайиб бормоқда. Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 10 мартдаги “Давлат қўриқхоналари ва миллий табиат боғи ҳудудларини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан Нурота давлат қўриқхонасининг тумандаги ҳудуди яна 4265,97 гектар кенгайтирилиб, умумий майдони 22017,97 гектарга етказилди.

Бироқ қўриқхона атрофидаги туманларда қишлоқ хўжалигининг интенсив ривожланиши, чорва моллари сони кўпайиши нафақат ҳудуд, балки қўриқхона экотизимига жиддий хавф туғдирмоқда. Ҳукуматнинг юқорида келтириб ўтилган қарорига мувофиқ, Фориш туманидаги захира ерлардан 1173,1 гектар, Фориш давлат ўрмон хўжалигидан 270 гектар, Самарқанд вилояти Қўшработ тумани ҳудудидан 1657,41 гектар ва Пайариқ тумани ҳудудидан 1165,46 гектар майдон Нурота давлат қўриқхонасига берилишидан атроф-муҳитга ушбу хавфнинг олдини олиш кўзда тутилган.

— Аҳоли тирикчилиги, асосан, чорвачилик бўлган туманда яйловлар чўлланиши тезлашиб бормоқда, — дейди қўриқхона нозири Облоқул Тоғаев. — Бу жараён нафақат яйловларга, балки қўриқхонанинг ўзига ҳам хавф туғдирмоқда. Шу боис, ҳукуматимиз ёндош ҳудудлар ҳисобига қўриқхона майдонини кенгайтириш тўғрисида қарор қабул қилгани жуда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Энди жамоамиз олдида фақат мавжуд экотизимни асраш эмас, янги қўшилган ҳудудларда йўқолиб кетган ёки йўқолиш арафасига келиб қолган фауна ва флорани тиклаш учун илмий ва амалий ишларни кучайтириш вазифаси турибди.

“Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили” давлат дастурида ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраш, кўпайтириш ва кейинги авлодга етказиш ҳамда биологик хилма-хилликни сақлаш мамлакат ривожланишининг устувор ёндашувлари этиб белгилангани ҳам бежиз эмас. Инсон фаолияти туфайли табиатдаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига зарар етмоқда. Табиатни зўриқтиришимизнинг акс таъсири эса яна ўзимизга турли экологик, иқтисодий буҳрон бўлиб қайтмоқда. Шунинг учун табиатни асрашга қаратилган барча ишларда аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, фаровонлигини ошириш назарда тутилмоқда.

Чунки жамиятимизда инсон манфаати, унинг яшаш эҳтиёжи ҳамма нарсадан устун. Табиатни асрашда ҳам шу омил ҳисобга олинмаса, кўрилаётган чора-тадбирлар кутилган натижани бермайди. Эзгу мақсадлар ва келгуси



авлодлар манфаати ҳисобга олиниб, қўриқхона ҳудуди кенгайтирилиши атрофдаги қишлоқлардаги яйлов ерлари қисқаришига, фаолиятнинг асосий тури чорвачилик бўлган аҳоли даромади манбаи камайишига сабаб бўлиши табиий ва кўпчиликка маълум ҳақиқат. Бу эса ушбу ҳудудлардаги маҳаллий ҳокимият органлари олдига аҳоли учун муқобил даромад манбаларини топиш вазифасини қўймоқда.

Айни пайтда ушбу ҳудудларда камбағалликни қисқартириш бўйича тадбирларда ҳам чорвачиликни ривожлантиришга эътибор қаратилиб, камбағал оилаларга қўй-эчки сотиб олиш учун кредитлар ажратилмоқда. Деҳқончилик учун сув манбаига эга бўлмаган қишлоқда яшаётган кам таъминланган оилага 5-10 бош қўй-эчки берилаётгани жуда катта кўмак. Зеро, улар уч-тўрт йилда қўй-эчкиси сонини 50-60 бошга етказиб, камбағалликдан чиқиб кетиши мумкин.

Аммо аҳоли хонадонларида мол сони кўпайиши яйловга босим янада ортишига олиб келмаслиги керак. Бунинг учун эса чорва озуқаси етиштиришни йўлга қўйиб, молни яйловда ҳайдаб боқишни чеклаш зарур. Шунинг учун лалмикор ҳудудларда камбағал оилаларни қўллаб-қувватлашда артезиан қудуқлар ковланиб, деҳқончилик қилишга ёрдам кўрсатилиши фойдалироқ ҳисобланади.

Бундай ёндашувда лалми ҳудудларда изен, терескен, чогон, черкез, қандим, коврак каби озуқабоп экинлар экиш фойдали бўлиши тажрибада синовдан ўтган. Бунда чорвадорлар етарли ем-хашак етиштиришдан ташқари, озуқабоп ўт-ўлан уруғини етиштириб сотишдан ҳам фойда олиши мумкин.

Шунинг учун кичик ва оилавий тадбиркорликни банк кредитлари билан қўллаб-қувватлашда артезиан қудуқлар қазиш, суғориш ускуналари харид қилишга эътибор қаратиш самарали бўлади. Шундай йўл тутилса, яйловлар ҳосилдорлигини ошириш билан бирга, қир-адирларда ҳам боғлар барпо этиб, аҳоли доимий даромад манбаига эга бўлиши имконияти яратилади. Қирлар бағрида яшил ўт-ўланлар эркин ўсиши турли-туман жониворлар ва ҳашаротлар, қушлар яшаб қолишига шароит яратиб, тупроқ эрозиясини тўхтатади, чўлланишнинг олдини олади.

Кичик бизнес ривожи учун яратиб берилаётган имкониятлардан фойдаланиб, қишлоқда саноат корхоналари барпо этиш аҳолини иш билан таъминлашда яна бир муҳим йўналишдир. Айниқса, тўқувчилик, тикувчилик, болалар кийимлари, ўйинчоқлари, уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳалардаги лойиҳаларини қишлоқларда амалга оширишга эътибор қаратиш зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Бу юртимизда амалга оширилаётган “Бир маҳалла — бир маҳсулот” ҳаракатининг амалдаги ижроси бўлади.

Қишлоқ аҳолисини иш билан банд этишнинг имкониятларидан яна бири ҳудуд табиатининг ноёб имкониятларидан фойдаланиб, сайёҳлар учун шароитлар яратиш, экотуризмни йўлга қўйишдир. Айни пайтда бу йўналишда анча ишлар амалга оширилиб, етарли тажриба ҳам тўпланди.

Форишнинг бошқа ҳудудларда учрамайдиган экзотик табиати, хилма-хил ландшафти, флора ва фаунаси унинг жозибадорлигини белгиловчи асосий омиллардандир. Масалан, Можрум қишлоғидаги MonumentalTrees.com халқаро рўйхатига “Шарқ биотаси” номи билан киритилган минг йиллик арча сайёҳларни жалб этадиган муҳим туристик маскан ҳисобланди.

Шунингдек, Хонбанди ноёб тарихий иншооти, ибтидоий жамият давридан қолган тошларга чизилган расмлар, денгиз юзасидан 2169 метр баланд бўлган Ҳаётбоши чўққиси, эндемик тур сифатида сақланиб қолган алқорлар, Айдар-Арнасой кўлларининг ноёб қушлари, Ухум, Можрум, Асраф қишлоқларидаги қўрғонлар қолдиқлари юртимизнинг бошқа вилоятларидан ва хориждан келаётган сайёҳларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ҳозир туман қишлоқларида замонавий меҳмонхоналар, хонадонларда меҳмон уйлари очилмоқда. Бу соҳа ривожи ортидан қишлоқ аҳолисининг бир қисми хизмат кўрсатиш йўналишида банд бўлмоқда.

— Қишлоғимиз аҳолиси сайёҳларга хизмат кўрсатиб даромад қилишга ўрганмоқда, — дейди ухумлик оқсоқол Эсанбек Полвонов. — Хонадонларда меҳмонхона очилмоқда, яна кимдир ошхона бизнесини йўлга қўйиса, кимдир сайёҳларга йўлбошловчилик қилмоқда. Қишлоғимизда дам оладиган масканлар сони тобора кўпайиб боряпти. Германия ва Франция каби ривожланган мамлакатлардан келаётган сайёҳлар ҳам хурсанд бўлиб кетмоқда. Улар орасида ҳар йили дам олишга келадиганлари ҳам кўпайиб қолди.

— Ушбу имкониятларни ҳисобга олиб туристик йўналишлар белгилаш, сайёҳларга хизмат кўрсатиш тармоқлари ташкил этиш орқали маҳаллий аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш бўйича бир қанча лойиҳалар устида ишланмоқда, — дейди Фориш тумани ҳокими ўринбосари Темур Саъдуллаев. — Экотуризмнинг йўлга қўйилиши натижасида қишлоқ одамларининг бир қисми бу соҳага ўтиши билан қишлоқ хўжалигида фаолият секинлашади, бу табиий неъматлар тежалишига, табиатга етказилаётган зарар камайишига олиб келади. Бу ҳудуд иқтисодиётининг ривожланиши демакдир.

Ҳудуддаги муқаддас қадамжолар ободонлаштирилиши билан зиёратчилар сони ортаётгани, янги дам олиш масканлари барпо этилаётгани эндиликда туризм ҳудуд учун янги соҳа эмас, иқтисодиётнинг бир қисмига айланиб бораётганидан далолатдир. Одамлар меҳмонхона, гастрономик, йўл бошловчилик йўналишларида янги касбларни ўзлаштириб олмоқда. Таниқли туроператорлар орқали сайёҳлар жалб этилмоқда.

Яқин йилларгача фақат чорвачилик ёки деҳқончилик билан шуғулланиб келган қишлоқ аҳли хорижлик диди нозик меҳмонларга хизмат кўрсатишни бинойидек уддаламоқда. Меҳмонлар юртимиз табиатидан завқланиш билан бирга шарқона меҳмондўстлигимиздан, миллий таомларимиздан ҳам мамнун.

Ҳудудда экотуризм ривожланишининг яна бир муҳим жиҳати — одамларда табиатга эҳтиёткор муносабатда бўлиш, ундан асраб-авайлаб фойдаланиш кўникмалари пайдо бўлмоқда. Табиатга меҳр-муҳаббат ортиши, уни асраш масъулияти кучайиши бугун жиддий иқлим ўзгаришларига юз тутаётган она заминимизни келажак авлодларга эсон-омон етказиш учун жуда муҳим.

**Фарҳод НЕЪМАТОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

Албатта ўқинг!

# Ой фарзанди

**(“Сўз латофати” китобидан)**

**Американинг Лос-Анжелес шаҳрида Ўзбекистоннинг садоқатли бир дўсти яшайди. Келиб чиқиши можар бўлган бу турколог олим Лос-Анжелес университетида махсус курс очиб, америкалик талабаларга ўзбек тилини ўргатади. Улар диёримиз нафасини ҳис қилиши учун Ўзбекистондан олим ва ижодкорларни таклиф этиб, суҳбатлар уюштиради. Исми Андраш, насаби Бодроглигетти.**






**МОЛДАВИЯДА ТУРКИЙ ТИЛДА СЎЗЛОВЧИ ГАГАУЗ ХАЛҚИ ЯШАЙДИ. ИЛМ АҲЛИ БУ НОМНИ ҚОРА ЎҒИЗГА БОҒЛАЙДИ. ЎША ҚАРИНДОШЛАРНИ МЕН ОЛИМОНА ЭМАС, ШОИРОНА СЎЗ БИЛАН “ҚОРАКЎЗ” ДЕГИМ КЕЛАДИ. ЧУНКИ “ҚОРАКЎЗ” ДЕБ ЎЗБЕК ЎЗИНИ, ЎЗ БИРОДАРИНИ, ЯҚИН ЖИГАРИНИ АЙТАДИ.**

Талаффузи қийин, ёдда сақлаш ундан ҳам қийин бўлган бу фамилияни илк бор эшитганимда олимни италиялик деб ўйлагандим. Лос-Анжелесда кўришиб, унга шу саволни бердим.

— Фамилиям аслида Бадроглигетти. **Бад** сўзи форсча ҳам, инглизча ҳам **ёмон** деган маънони билдиргани учун бу юртда насабимни бир ҳарф ўзгартириб Бодроглигетти дейдилар. Лекин италиялик эмасман. Фамилиям соф туркча.

Шундай деб Андраш домла қўлига қалам олди ва ўз фамилиясини уч қисмга бўлиб ёзди: **Бадр огли гетти. Бадр** сўзини биламиз, **ой** дегани. Қолган сўзлар ҳам таниш. Ўғуз туркчасидан ўзимизнинг шевага ўгирсак, **Ой ўғли кетди,** деган маъно чиқади.

— Тўйда туғилган **Тўйчи,** йўлда туғилган **Йўлчи,** жумада туғилган **Жумавой, Одина** деб исм олганидек, аллақайси бобокалоним ойдин кечада туғилгани учун Бадр ўғли деб ном қўйишгандир. Ўз юртидан кетиш наслимиз қисматида бор экан, шекилли, мен ҳам асл ватанимдан узоқларда **Бодроглигетти** бўлиб юрибман.

Шарқу Ғарбнинг ўнлаб тилларини билган, уларни чоғиштириб таҳлил қилган Андраш домланинг бу сўзларини аввал балки хаёлот меваси, шунчаки ҳазилдир деб ўйладим. Ахир тилимиз шу қадар бой ва рангинки, ҳар сўзни ўн ёққа буриш мумкин, **ўт** деган сўзнинг ўттиз хил, **юз** деган сўзнинг юз хил маъно товланиши бор. Лекин миллат тақдирини ўйласам, можарнинг туркий халқларга тарихан туташлигини хаёлга келтирсам, бу гап ҳазилга ўхшамади. Олис ўтмиш манзаралари кўнглимдан кечди. Ўз юртида қўним топмаган, қисмат дунёнинг турли бурчакларига тарқатиб юборган қадимги аждодларимизнинг сарсон саргардонлиги фикримни чулғади.

**Бадр ўғли кетди...** Бу сўзларда бутун бир тарих намоён бўлди. Тўрт юз йил наридан Бухорони тарк этиб, олис ва совуқ Сибирга кетган ўзбекларнинг ноласи келди. Яна икки юз йил ўтиб, улардан мингга яқин оиланинг Туркияга кўчгани, сибирликлари ҳам, туркияликлари ҳам то ҳануз ўзларини бухорийлар (русча бухарцы) деб аташларини ўйлаб кетдим. Тақдирни қарангки, икки карра бееватан қолган ғарибларга Туркияда Бағри тилик деб аталган тоғ этагидан жой берилибди. Хаёл мени яна минг йил нарида Идил ва Ёйиқ соҳилларида яшаган, ҳозир Волга ва Урал аталган дарёлардан сув ичиб, бепоён кенгликларда от сурган ўзбеклар юртига олиб учди. Халқимиз татар, булғор, можар, ўрус эллари билан елкадош кун кечирган яйловлар кўз олдимга келди.

**Бадр ўғли кетди...** Хаёлан мен ўн минг йиллар олисда Сибирдан Аляскага кўчган туркий қабилаларнинг қўшиқларини эшитдим. Америкалик ҳиндуларнинг бахшилар каби бўғиздан чиқариб айтган қўшиқлари қулоғим остида янграду. Бу минг йиллар тубидан келган дард садоси эди.

Можар халқи ўз илдизларини қадимги туркий қавмлар билан туташ кўргани учун Можаристонда туркология фани асрлар давомида ривож топган. Бу анъана ҳозир ҳам давом этади. Бу ўлкадан икки юз йилча аввал Марказий Осиёга келиб, Бухоро ва Мовароуннахр тарихини ёзган Герман Вамберидан тортиб, замондош дўстларим Иштван Конгор ва Андраш Бодроглигеттигача дунёга танилган неча-неча туркшунос олимлар етишдилар. Улар юртимизга сафар қилганларида Самарқанду Бухорони томоша қилишни кўзлаб эмас, можар халқининг теран томирларини излаб келганлар.

**Бадр ўғли кетди...** Можарнинг ҳам, ўзбекнинг ҳам Ой ўғли эканига ишончим бор. Бадр ўғли Сибирга кетди, Аляскага кетди. Идил ва Ёйиқ соҳилларидан Ҳазар ва Орол бўйиларига кетди. Бу юртда минг йиллар яшаган ерлик аждодларимиз билан дунёнинг энг кўҳна давлатларидан бири бўлган Хоразм давлатини тузди.

Яна минг йиллар ўтиб, Босфор бўйиларига кетди ва ҳозирги Туркияга асос солди. **Ой ўғли кетди.** У оламнинг тўрт ёғига кетди.

Жавоҳарлаъл Неру Мирзо Бобур тузган давлат тўғрисида ёзаркан: “Марказий осиёликлар дастлаб Ҳиндистонга тўрт минг йил муқаддам кўчиб кела бошлаганлар”, — дейди.

Улар орасида туркий қавмлар ҳам бўлгани, бу қавмларнинг қадимий ривоятлари, достонлари ҳам Ҳиндистонга боргани шубҳасиз.

**Ой** арабча **бадр**, форсча **маҳ** дейилади. Туркий тилларда арабча ва форсча сўзлар кўҳна замонлардан бор. **Ой** ёнида **бадр** ҳам **маҳ** ҳам ишлатилган. Ҳиндлар **Деҳли**ни Дели деганлари каби **Маҳ ўғли**ни **Маугли** деган бўлсалар ажаб эмас. Инглиз адиби Редярд Киплинг Ҳиндистон мавзусида ёзган машҳур асар қаҳрамонининг исми **Маугли**.

Демакки, Киплингга шуҳрат келтирган **“Маугли”** эртагининг мавзуси қадимги туркий халқлар афсонасидан олинган бўлиб чиқади. Яна бизга маълумки, ривоятлар турк наслини бўри зотига боғлайди, она бўри эмизиб катта қилган, дейилади. Мауглига ҳам бўри оналик қилган.

Бошқирд элининг зариф шоири Мустай Карим: “Туркий халқларнинг бўри зотига боғланишига сабаб бу қавмнинг минг йиллар давомида ҳар ердан қувилгани”, — дерди. Ўз халқининг номини Бош қурт, яъни Бош бўри дея ишонч билан айтарди. Турклар бир-бирини кўрганда, ё хайрлашганда, ўнг қўлининг учта бармоғи билан бўри бошини тасвирлаб, қардошлик изҳорини қиладилар. Қувғинди бўри эса тунлар ойга қараб увлайди. Онасини соғинган боладек нола чекади...

Қадим-қадим замонларда аждодларимиз қуёшга, ойга, юлдуз ва сайёраларга топинганлар. Дашту саҳролар оша олис, машаққатли йўлларда кундузи қуёш, кечаси ой ва юлдузлар уларга машъала, қибланамо бўлган. Ўғлонлари исмини Кунтуғмиш, Ойбек деб, қизларини Ойбарчин, Тўлганой, Юлдузхон, Зуҳро, Сурайё, Муштарий,Ситора деб атаганлар.

Икки юз йил аввал Ҳиндистонда яшаб ижод қилган ҳамюртимиз Мирзо Асадуллохон Ғолиб ўз аждодларини эслаб: “Мен асли самарқандликман, наслим Ойбеклар зотидан”, — дея ғурур билан ёзган:

***Десам, Ғолиб, ерим — пок хоки Турон,***
***Асил зотим билан бағрим фароҳманд.***

***Ўзим туркзода-ю наслим-да туркзод,***
***Буюклар қавми бирла асли пайванд.***

***Уруғ бўлмиш менга Ойбеклар аслан,***
***Камолан ойга нисбат, балки ўнчанд.***

***Отам касбин десам деҳқончиликдир,***
***Бобом бўлмиш заминдори Самарқанд.***

**Бадр ўғли, Маҳ ўғли, Ойбек** нақадар ўхшаш исмлар! Арабий, форсий, туркий маънодош сўзлар. Юртимизда қадимдан бу уч тилнинг ёндош яшаганига яна бир тимсол.

Америкалик дўстимиз профессор Бодроглигетти насаби хаёлимни шунча олисларга элтди, узоқ замону маъволарда кездирди. Сўз шундай мўъжиза эканки, унинг замирида қатлам-қатлам бўлиб тарих ётар экан.

Молдавияда туркий тилда сўзловчи гагауз халқи яшайди. Илм аҳли бу номни қора ўғизга боғлайди. Ўша қариндошларни мен олимона эмас, шоирона сўз билан **“қоракўз”** дегим келади. Чунки **“қоракўз”** деб ўзбек ўзини, ўз биродарини, яқин жигарини айтади.

Андраш Бодроглигетти ҳам ўша қоракўзлардан бўлса, дунёга сочилиб кетган уруғларимиздан бўлса, не ажаб! Олимнинг сўзи ҳақ. Бизлар ҳаммамиз Ой фарзандларимиз. Ойдан тушган каби соддамиз. Дилимиз ойдин, ниятимиз ойдин.

Бу тимсоллар ярим тунда тўлин ой ёруғида хаёлимга келди. Бамисоли неъмат тўла лагандек улкан кумуш гардиш кўкдан нуроний чеҳра билан сокин, меҳрли қараб турарди.

Ўзбек бежиз онани **ойи** деб, Ойни **оймомо** деб атамаган. Эй Ой, халқим йўлларини шуъланг билан мунаввар қил, истиқболини ойдин қил, моможон!

**Эркин ВОҲИДОВ,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

Мулоҳаза



**Таниқли сўз устаси Аваз Охун ҳақида мухлислардан бири ижтимоий тармоқда: “У ҳам аслида журналист, фақат муаммоларни кулги билан олиб чиқади”, деб ёзган эди. Чиндан ҳам санъаткор репертуарида жамиятдаги кўплаб оғриқли нуқталар нишонга олиниб, юмор йўли билан очиб берилади. Масалан, фонограмма ҳақидаги саҳна ҳам: “Ҳозир фалон қўшиқни айтиб беринг эмас, қўйиб беринг бўлиб қолибди. Тўғри, жонли ижрода куйлайдиганлар ҳам бор. Лекин улар чекка-чекка қишлоқларда.**

# Жонли ижро – ЧИНАКАМ ЗАВҚ, АСЛ МАЪНАВИЙ ОЗУҚА

Фонограмма қилишга вақти ҳам, пули ҳам йўқ. Сигирга, томорқага қараши керак. Лекин овоз... Овозга гап йўқ. Унча-мунча санъаткордан яхши айтади”, дея санъаткорларнинг ўзларини ҳам кулдирган эди. Бу гаплардан мириқиб куламизу, ўйлаб қоламиз. Чиндан ҳам бугун фонограммадан фойдаланиш урф бўлиб кетди-я. Ёш санъаткорлар деярли фонограмма билан саҳнага чиқяпти.

Маданият вазирлиги ахборот хизмати ҳамкор журналистлар учун очилган телеграм гуруҳида “Туркистон” санъат саройида бўлиб ўтадиган яккахон концерт дастурига таклиф қилди. Концерт мутлақо жонли ижрода бўлиши айтилди. Ёши каттталар даврасида жонли ижро барибир бошқача экани, маза қилиб маданий ҳордиқ чиқариб келиш ҳақида фикр айтилди. Концертга борганлар ўзлари кутгандек бўлганини эътироф этди ҳам. “Эл нетиб топгай мени”, “Жонон, қаро кўзингга”, “Онанг ўлмасин”, “Ёр эркансиз”, “Қишлоғим” каби қўшиқларни жонли тарзда, хотиржам ўтириб тинглаш дарҳақиқат қалбга маънавий озуқадек сингади.

Ёшлар эса юқоридаги таассуротларга деярли хайрихоҳлик билдирмайди. Чунки улар орасида жонли ижронинг тотини, асл санъат эканини англаб етадигани кам. Аксари фонограмма авж олган даврда дунёга келган.



Жорий йил 8 апрель куни Вазирлар Маҳкамасининг “Концерт-томоша фаолиятида жонли ижрони янада рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинган эди. “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси директори ўринбосари Музаффар Сайфуллаев ушбу қарорга муносабат билдирар экан, фикримизни тасдиқлагандай бўлди.

— Қарорда “Ўзбекконцерт” давлат муассасасига бир қанча талаблар қўйилди. Яъни жонли ижрони ривожлантириш бўлимини очиш, унга муайян штат жадвалларини ажратиш ва шу бўйича қилинадиган бандлар белгилаб берилди, — деди Музаффар Сайфуллаев. — Президентимизнинг 2020 йил 26 майдаги “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида жонли ижрода концерт бераётган ташкилотларга ижара ҳақини тўлашда 50 фоизгача чегирма бериш белгиланган. Бу жараён босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. У, ўз навбатида, санъаткорларнинг жонли ижрога ўтиш борасидаги масъулиятини оширишга хизмат қиляпти. Зеро, фонограмма кўплаб ижодкорларни муайян маънода дангаса қилиб қўйди. Бунинг ортидан созандаларга эътибор ҳам камайгани сезилади. Жонли ижрода эса уларнинг меҳнати яққол кўринади. Тўғри, фонограмма орқали ижронинг ўзига яраша меҳнати, қийинчилиги бор. Шунингдек, фонограмма ижро этилмаса, бўлмайдиган вазиятлар учраб туради. Масалан, телевидениеда кадрни қайта-қайта олавермаслик учун акустикаси тўғри келмайдиган бинолар, очиқ майдонларда фонограмма ўзини оқлайди. Лекин имконият борми, жонли ижро бўлиши керак. Чунки жонли ижрода санъаткорга овоз имкониятлари, ҳис-ҳаяжонини фақат студияларда эмас, томошабин олдида кўрсата билиш вазифаси юкланади.

Марҳум санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраевнинг яхши бир гапи бор эди: “Жонли ижрода ижрочи билан томошабин ўртасидаги парда кўтарилади”. Чиндан ҳам жонли ижро давомида ижод намунаси, устоз санъаткоримиз айтганидек, томошабиннинг юрагига кириб боришига гувоҳ бўласиз. Унинг кўзлари айтиб туради буни. Шундай бўлиши ҳам керак. Чунончи, жонли ижрода бериладиган ҳар қандай концерт замирида жуда катта меҳнат ётади. Юракдан қилинган меҳнат эса, албатта, самара беради.

Куни кеча Самарқанддаги нуфузли саммит доирасида катта концерт дастурида бунга яна бир бор гувоҳ бўлдик. Ана шу концертда кўплаб давлатларнинг халқ артисти бўлган, қарийб 80 ёшга кираётган Фаррух Зокиров Ўзбекистон давлат симфоник оркестри билан биргаликда жонли ижрода қўшиқ куйлади. Бу ижрони юртимизда меҳмон бўлган давлат раҳбарлари юксак эътироф этди.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил 3 август куни ижодкор зиёлилар билан учрашганида ҳудудларда ижод қилиб, ўз меҳнатини кўрсата олган ижодкорларгагина унвон берилиши ҳақида айтган эди. Ўтган йиллар давомида бунинг амалий ифодасини кўриб келяпмиз. Бу ислоҳотларнинг жонли самараси. Янги имзоланган қарорда ҳам ижодкорларга бериладиган рағбат — унвонлар масаласида уларнинг жонли ижродаги фаолиятини инобатга олиш белгилаб қўйилди. Бироқ буни бирданига жонли ижрога ўтиш керак деб тушуниб, ижодкорга қандайдир тўсиқ сифатида қабул қилиш нотўғри. Ҳужжатда ижодкорларни бунга секин-аста тайёрлаб бориш мақсадида жараён босқичма-босқич амалга оширилиши кўзда тутилган.

Ҳа, ҳеч бир тизимдаги янгилик бирданига изга тушиб кетмаган. Ижодкорларнинг ўзи ҳам буни яхши билади. Бироқ халқнинг меҳрини қозониш, кўнглидан чуқур жой олиш учун жонли ижро кераклигини улар аллақачон тушуна бошлаган.

— Бугун томошабин фонограмма билан жонли ижронинг фарқини яхши тушунади. Шу маънода, фонограммадан кўп фойдаланадиган ижодкорлар ўз устида ҳам кўпроқ ишлашига тўғри келяпти. Ҳукуматимиз яқинда қабул қилган қарорнинг мазмун-моҳиятида айни шу жиҳат устуворлигини кўрамиз. Яъни ҳар ким меҳнатига яраша рағбат олади. Фонограмманинг босқичма-босқич чекланиши ижод, санъат оламига эндигина кириб келаётган ёшларни ҳам ҳушёр торттиради. Энди концерт-томоша тадбирлари рекламаларида фонограммадан фойдаланилади, дейиш билангина чекланмай, “Фонограммадан фойдаланган ҳолда жонли овоз” ёки “Фонограммали концерт дастури” деб аниқ кўрсатилиши лозимлиги ҳам мақсадга мувофиқ. Бу аниқлик томошабиннинг манфаатдорлиги, маънавий ҳуқуқини ҳимоя қилади, — дейди хонанда Ботир Қодиров.

Юқорида ёшларнинг аксарият ҳолда фонограмма билан саҳнага чиқиши ҳақида гапирдик. Бироқ уларда жонли ижрога муҳаббатни болаликданоқ уйғотиш ўзимизнинг вазифамиз эди, аслида. Эзгу ишнинг кечи йўқ. Бу ёғига боғча ва мактаблардаги тадбирларда жонли ижро намойиш этганлар меҳнатини юқори баҳолаб, рағбатлантириб боришимиз керак. Жойларда жонли овоз эгаларини кашф этаётган, уларга бор билимини бераётган фидойи соҳа вакиллари бу ишга бел боғлаган. Уларга камарбасталар сафи кенгайсин! Ёш авлод орасида маданият ва санъатни ривожлантиришдек эзгу ишга хайрихоҳ бўлган шундай соҳа вакиллари кўпаяверсин! Хайрли ҳаракатлар яқин келажакда, албатта, ўз самарасини беради. Муҳими, болаларимиз асл санъатни, ҳақиқий завқни, жонли ижронинг бебаҳо маънавий озуқа эканини англаб улғаяди.

**Мунажат МЎМИНОВА,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

**ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОDНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.**

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.

Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-446.
36811 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов
Мусаҳҳиҳ: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 03:10 Топширилди — 03:55

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05